Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 17-avgust, chorshanba № 66 (8923)

Боқий фикр

Ҳаммамизга яхши маълумки, халқаро мусобақаларда, бу Олимпия ўйинлари бўладими, жаҳон чемпионатлари бўладими, бундай муросасиз беллашувларда шоҳсупага чиқиш, медалларни қўлга киритиш осон эмас.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан кам эмас!

Олимпиадачиларимиз мустақиллигимизнинг 25 йиллигига ажойиб совға тайёрламоқда!



Хушхабарнинг қўш қаноти бор, дейишади. Бир кун олдин Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар қарама-қаршилигида ўзбек ўғлони Ҳасанбой Дўстматов олтин медални қўлга киритиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлган эди. Кеча иқтидорли оғир атлетикачимиз, жаҳон чемпиони, Ўзбекистон ифтихори Руслан Нурудинов делегациямиз ғазнасига иккинчи олтин медални туҳфа этди.



Энг қувонарлиси, ҳали олимпиада баҳслари якунига етмай туриб, мустақил Ўзбекистонимиз делегацияси ўз тарихида олимпия ўйинларидаги энг яхши натижасини қайд этишга улгурди. Боиси, шу кунгача энг омадли олимпия ўйинлари дея эътироф этиладиган 2004 йили Афина шаҳрида кечган тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақалари терма жамоамиз аъзолари 2 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритганди. Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган олимпия ўйинларида эса 2 олтин ва 4 бронза расмийлаштирилди. Шунингдек, умидли боксчимиз Шаҳрам Гиёсов ўз вазн тоифасида финалга чиқди — бу камида кумуш медал нақд, дегани. Осиё чемпиони Бектемир Меликўзиев эса ярим финалга йўл олди ва бронза медалга лойиқ ишни амалга ошириб бўлди. Албатта, мазкур спортчиларимиздан ҳам кумуш ёки бронза эмас, балки олтин медаллар кутамиз. Қолаверса, олдинда майдонга чиқишини кутиб турган умидли вакилларимиз кўп, уларда ҳам ғолиблар қаторидан жой олиш учун куч ва маҳорат етарли.

(Давоми 15-бетда.)

Парламент янгиликлари

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига қўшимча ва "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонунчиликка мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами", "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба ҳисобланади. Юқорида номи зикр этилган қонун лойиҳаси билан қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси — www.lex.uz сайтини ҳам расмий манба сифатида белгилаш назарда тутилмоқда.

Бу келгусида фойдаланувчиларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва тўлиқ етказишга, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тезкор ўзлаштиришга қўшимча шарт-шароит яратади.

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур лойиҳа билан архив хизматларига оид фаолият такомиллаштирилмоқда. Кодексга киритилаётган қўшимчалар фуқароларга, мансабдор шахс ва хизматчиларга архив ҳужжатларини топшириш ва сақлаш, архив хизматлари кўрсатиш ва архив ҳужжатларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутади. Ушбу тоифадаги ишларни судлар томонидан кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Бу келгусида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Таклиф этилаётган қўшимчалар корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари, шунингдек, тегишли фуқаролар томонидан архив ҳужжатларини сақлаш, архив хизматлари кўрсатиш, архив ҳужжатларидан фойдаланиш тартибини бузиш ҳолатларининг олдини олади.

(Давоми 2-бетда.)

3-бет **Мактабнинг аҳил, интилувчан жамоаси**

янги ўқув йилини кўтаринки руҳда бошлайди

5-бет **Янги концепция**

таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада жадаллаштиришга хизмат қилади

8–9-бетлар **Автосаноат – истиқлолнинг беназир туҳфаси**

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Парламент янгиликлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йиғилишда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унда йўл ҳаракати иштирокчиларининг айрим хатти-ҳаракатларига нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари назарда тутилган. Жумладан, мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганда, нур қайтаргичли махсус жилет билан таъминланмаган транспорт воситасини бошқарганда, йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек, пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдалар томонидан телефондан фойдаланилганда, теле-видеомаҳсулотларни кўриш, радио, аудиомаҳсулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш учун хизмат қиладиган воситалар ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланилганда, ҳаракатланаётган вақтда автомобиль салонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқарган ҳолларда уларга нисбатан тегишли маъмурий жавобгарлик чоралари ўрнатилиши назарда тутилган.

Қонуннинг қабул қилиниши йўл ҳаракати иштирокчиларининг масъулиятини ошириш билан бирга йўл ҳаракати ҳодисалари содир этилиши камайишига ҳамда уларнинг олдини олишга хизмат қилади.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари якунлари муҳокама этилди.

Учрашувларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш ҳамда сиёсий партиялар маҳаллий органларининг вакиллари иштирок этгани қайд этилди.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланаётгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширишга замин яратмоқда.

Йиғилишда учрашувларда кўтарилган масалаларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли мансабдор шахсларига белгиланган тартибда депутатлик ва парламент сўровларини юбориш, парламент эшитувларининг мавзуларини шакллантиришга келишиб олинди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Сирдарё вилоятида "Мустақиллик йилларида хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши ҳамда истиқболдаги вазифалар" мавзуида тадбир ўтказилди.

Таъкидланганидек, иқтисодиёт соҳасида қабул қилинган 500 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатларининг асосий қисми тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган. Ушбу ҳужжатлар асосида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, олинмаган даромадни тўлиқ ҳажмда қоплаш механизми қонуний асосда жорий этилди.

Йиғилишда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ ечимини кутаётган масалаларга эътибор қаратилди.

ЎзА

Мустақиллик дарслари

янги ўқув йилининг илк машғулотларини юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Мамлакатимиз таълим муассасаларида янги ўқув йилини кўшалоқ айём сифатида кутиб олиш эзгу анъанага айланган. Истиқлолнинг 25 йиллиги муносабати билан мактабларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказиладиган илк дарсларда миллий ўзликни англаш, энг бебаҳо, энг азиз неъмат — мустақиллигимизни асраб-авайлаш ҳамда қадрлаш юртимизда яшовчи барча фуқаронинг бурчи экани яна бир карра фарзандларимиз онгу шуурига сингдирилади. Бу йил ҳам "Мустақиллик дарслари"ни ҳар йилгидан кўтаринки руҳда, кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, мазмунли маъруза, давра суҳбати, видеолавҳа ва савол-жавоблар орқали ўтказиш кўзда тутилаётир.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан "Ким эдигу ким бўлдик? Эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?" мавзусида ўтказилган ўқув семинарида айни шу жиҳатга аҳамият қаратилди. Паркент туманидаги 7-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда қатнашган туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари "Мустақиллик дарслари"ни самарали ва қизиқарли ташкил этиш ҳамда намунавий дарс ишланмаларини яратишга доир услубий тавсияларини мактаб директорлари эътиборига ҳавола этишди. Шундан сўнг семинар иштирокчилари олти шўъбага бўлиниб, фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишди. "Ўзбекистон: кеча ва бугун", "Давлатимиз иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар", "Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар", "Ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга доир давлат сиёсатининг моҳияти, спорт соҳасида эришилган ютуқлар", "Юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар", "Юксак маънавиятли авлод тарбияси" мавзусидаги маъруза-ларда юртимиздаги барқарор, осуда ва тинч ҳаётнинг қадрига етиш, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни ёшлар онгига сингдириш зарурлиги таъкидланди.

Вилоятда 877та мактаб, 35та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 19та "Баркамол авлод" болалар маркази мавжуд бўлиб, уларда 382987 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Ана шу ёшларни юксак маънавиятли, зукко ва интеллектуал салоҳиятли шахс сифатида тарбиялашни ният қилган ҳар бир ўқитувчи "Мустақиллик дарслари"ни юқори савияда ўтиши шарт. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиши учун ёш авлодга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш педагогларнинг асосий вазифасидир.

Чиндан ҳам, бугун замонавий таълим стандартлари асосида билим олаётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. Муҳташам ўқув бинолари, кенг ва ёруғ синфхоналар, сўнгги русумдаги компьютер ҳамда лаборатория жиҳозлари, кутубхона, спорт мажмуаси — буларнинг барчаси ўқувчилар ихтиёрида.

— 1629 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган мактабимизда маҳоратли ўқитувчилар қатори ёш педагоглар ҳам фаолият юритади, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 21-мактаб директори Сабура Нигманова. — Бугунги семинарда тақдим этилган методик материаллар ва тавсиялар педагогларимизнинг "Мустақиллик дарси" ҳамда маънавият соатларини яхлит тарбиявий усуллар ва таъсирчан воситалар ёрдамида ўтказишда қўл келади. Зотан, барча саъй-ҳаракатларимиз билим, шижоат ва ақл-идрок бобида ҳеч кимдан қолишмайдиган, мустақил фикрга эга, қатъиятли ёшларни тарбиялаб, вояга етказишга қаратилгандир.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Ма'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

2016-yil — Sog'lom ona va bola yili

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Нурматова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Оналар ва болалар саломатлиги йўлида

"Соғлом она — соғлом бола" тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва маънавиятини юксалтириш, қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка жалб қилиш ишлари янада кенг кўлам касб этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан барча вилоят ва туманларда битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи штаблар ташкил этилди. Маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган «Бандлик секторлари» орқали тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган қарийб 17 минг 700 битирувчи қизга ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ўз бизнес лойиҳасини шакллантиришда кўмак берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш юзасидан бир қатор тадбирлар, ижтимоий акциялар, турнирлар ташкил этилди. «Гимнастика барча учун», «Отам, онам ва мен – спортчи оила», «Спорт нафислик ва саломатлик манбаи», «Олимпиада умидлари» каби мусобақалар шулар жумласидан.

Давра суҳбатида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни янада изчиллик билан бажариш борасидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Hozirlik — huzurlik

Мактабнинг аҳил, интилувчан жамоаси

янги ўқув йилини кўтаринки руҳда бошлайди

Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли ўқув муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари якунига етай деб қолди. Мактабларни жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ниҳояланиб, синфхоналар, фан кабинетлари, лаборатория жиҳозлари шай ҳолатга келтирилди. Айни пайтда синф бурчакларини ташкил этиш, янги шиорлар билан безаш, Мустақиллик байрами ва "Билимлар куни"ни муносиб кутиб олишга тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Жумладан, Гурлан туманидаги 31-мактабда жорий таъмирлаш ишлари бу йил анча пухта ва сифатли бажарилди. Жамоадаги 67 нафар педагог ва техник ходимнинг барчаси байрамга катта тайёргарлик кўраяпти. Икки қаватли муҳташам мактаб биносига мустақиллигимизнинг 25 йиллиги, Соғлом она ва бола йили ҳамда янги ўқув йилига бағишланган паннолар ўрнатилган.

— Бу гал янги ўқув йилини ҳар доимгидан ҳам ўзгача руҳда, юқори савияда кутиб олишга астойдил бел боғлаганмиз. Чунки бу йил давлатимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллигини нишонлаймиз. "Билимлар куни"да мазкур тарихий сананинг аҳамиятини ўқувчиларга жонли мисолларда тушунтириш, истиқлолнинг нечоғлик буюк неъмат эканини фарзандларимиз онгу шуурига етказиш мақсадида барча педагогларимиз қизғин ҳозирлик кўраётир, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Манзура Раҳимбоева.

Дарҳақиқат, мактаб жамоаси ишчан кайфиятда. Баъзи ўқитувчилар фан кабинетларидаги жиҳозларни тартибга солиш, баъзилари ўқув кўргазмали воситаларни ўрнатиш, деворий газеталар чиқариш, ўқув режаларини тасдиқлатиш билан банд. Таъмирдан сўнг мактаб фойеси, синфхоналар таълимий-дидактик материал ва маълумотлар акс этган плакатлар, кўргазмали ўқув жиҳозлари билан жиҳозланган. Синфхоналарнинг поли, эшик-дераза ромлари янги бўялгани боис ялтирайди. Деворларнинг текислиги, оч ранги кўзни яйратади. Мактабдаги дарс ўтиладиган 25 та синфхонанинг барчаси худди шундай кўринишда.

Мактаб коридори бўйлаб юрар эканмиз, девордаги стендларга бир-бир кўз югуртирамиз. "Ўзбекистон ифтихорлари" мавзусига бағишланган плакатда 25 йил ичида Ватанимиздан етишиб чиққан донгдор спортчилар суратлари ва улар ҳақидаги маълумотлар акс этган. "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" шиори остида ташкил этилган "Умид ниҳоллари" стендида спорт мусобақаларининг мактаб босқичига доир маълумотлар ўз ифодасини топган. "Касбим — фахрим", "Мутахассислигинг — сенинг келажагинг", "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" мавзусидаги стендлар йўлакнинг охиригача ҳамроҳлик қилади. "Гўзал ва бетакроримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори битилган плакатлар барча синфларнинг доскаси ёнидан жой олган.

Бу йил ушбу таълим муассасасига 77 нафар ўқувчи 1-синфга қабул қилинади. Уларга аталган 12 номдаги ўқув қуролидан иборат "Президент совғалари" келтирилиб, топширишга шай ҳолатда сақланмоқда.

Бу йил ушбу таълим муассасасига 77 нафар ўқувчи 1-синфга қабул қилинади. Уларга аталган 12 номдаги ўқув қуролидан иборат "Президент совғалари" келтирилиб, топширишга шай ҳолатда сақланмоқда.

— Бу ҳолат ҳар йили такрорланса-да, янги ўқув йилини ишончини қозониш, энг муҳими, мактаб муҳитига тез ва осон мослашиши учун психологик ва педагогик жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрдик, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Зевар Дўстметова. — Йилдан-йилга 1-синфга келадиган ўқувчиларнинг мактаб таълимига тайёргарлик даражаси ошиб бормоқда. Масалан, бу йил қабул қилинган болаларнинг аксарияти ёзиш, санаш, ўқиш кўникмасига эга. Ҳозирда улар Ватан, мустақиллик, мактаб, устозлар ҳақида янги шеърлар ёд олиб, байрам саҳнасида ифодали ўқишга тайёр. Бу ота-оналарнинг мактаб таълимига эътибори, болалари келажагига дахлдорлигини ҳис этиш даражаси ортиб бораётганидан далолат беради.

Мактаб ҳаётида, шубҳасиз кутубхонанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Биз сўз юритаётган 31-мактаб кутубхонаси дарслик, методик қўлланма ва бадиий адабиётлардан иборат 7 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлиб, шундан 6730 тасини дарсликлар ташкил қилади. Кутубхона ходимаси М.Бойметованинг таъкидлашича, айни пайтгача барча синф раҳбарларига дарсликлар топширилган.

Таълим муассасасидаги барча педагогларнинг тайёргарлиги юқори. Жумладан, болаларнинг чиниқиши, соғлом ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жисмоний тарбия фани мураббийи ҳам янги ўқув йилини янгича иштиёқ билан бошлашга тараддуд кўраяпти.

— Мактабимизда иккита спорт майдони мавжуд бўлиб, бири юқори, иккинчиси бошланғич синфларга мўлжалланган, — дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Умрбой Матёқубов. — Шу кунгача ушбу майдонларга тегишли чизиқлар тортилиб, тартибга келтирилди. Футбол дарвозасининг тўсинлари, баскетбол шитлари, устунлари ҳамда тўсиқлар оша ўтиш жиҳозлари бўялиб, югуриш йўлаклари чизиқлар билан белгиланди. Узунликка сакраш майдончаси қум билан тўлдирилди. Иккала майдон ҳам янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди.

Мактабнинг ноқулай обҳаво шароитида машғулотларни ўтишга мўлжалланган мавжуд иккита спорт залида ҳам барча шароит муҳайё. Катта спорт зали баскетбол, волейбол ўйинларига мосланган. Бу ерда ҳам пол ва баскетбол шитлари бўялган. Аниқ ўлчамда махсус чизиқлар тортилган. Кичик залда гимнастика, енгил атлетика, кураш каби спорт турларига хос анжомлар тахт қилинган. Мактабда футбол, волейбол, енгил атлетика, бадиий гимнастика тўгараклари мавжуд бўлиб, бу йилдан улар қаторига шахмат-шашка тўгараги қўшилади.

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мустақиллигимизнинг 25 йиллиги шодиёналари, янги ўқув йилига тобора яқинлаштирмоқда. Ўқитувчилар, отаоналар ва ўқувчилар қалбида чексиз ҳаяжон. Ҳамма энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳамда "Билимлар куни"ни ўзига хос тарзда кутиб олиш ниятида. Бу, шубҳасиз, халқимизнинг азалдан маърифатга интилувчанлиги, фарзандлари камолотига юксак эътибори ва ғамхўрлигининг инъикоси, десак, муболаға бўлмайди.

Маҳмуд РАЖАБОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Машғулотларни бошлашга ҳамма нарса шай

Мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма беш йиллиги нишонланадиган ушбу йилда таълим муассасалари жамоалари ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар. Таълим масканларини янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлаш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Андижон шаҳридаги 2-маиший хизмат касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳам айни пайтда бутун куч ва имкониятларини ана шу мақсад йўлида сафарбар этган.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

— Янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига ҳозирлик коллежимизда йил давомида олиб борилади десам муболаға бўлмайди, — дейди коллеж директори Ҳаётхон Холматова. — Жамоамизнинг уюшқоқлиги ва ҳамжиҳатлиги туфайли масканимиздаги 40 дан зиёд ўқув хонаси, лаборатория кабинетлари, спорт зали, ахборот-ресурс маркази ҳамда фаоллар зали муддатидан илгари сифатли таъмирланди. Таъмирлаш ишларини асосан ички имкониятларимиздан фойдаланган ҳолда амалга оширдик.

Дарҳақиқат, мазкур коллеж жамоаси меҳнати билан янги ўқув йилига ҳозирлик ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўртасида биринчилар қаторида якунланди. Коллеж атрофидаги салкам 3 гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган даромад ҳам таъмирлаш ишлари ҳамда жамоадаги илғорлар меҳнатини рағбатлантириш учун сарфланди. Айни пайтда коллежнинг "АКС—300" русумдаги иситиш печи мавсум учун тайёр ҳолга келтирилди. Эҳтиёж учун зарур бўлган 45 тонна кўмирнинг 60 фоиздан зиёди қиш мавсумига ҳозирлаб қўйилди. Шунингдек, электр тизими ва бошқа жиҳозлар махсус мутахассислар кўригидан ўтказилди.

Жамоадаги ҳамжиҳатлик туфайли эришилаётган ютуқлар салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Яқиндагина ўтказилган "Энг яхши ишчи касб эгаси" кўрик-танловининг республика босқичида коллежнинг 2 нафар ўқувчиси — Аназхон Абдужабборов ва Раҳматилло Раҳмонжонов иштирок этиб, ошпазлик ва сартарошлик йўналишлари бўйича 3- ва 5-ўринларни эгаллади. Ишлаб чиқариш таълими устаси Ҳожиакбар Араббоев эса Фарғона водийси вилоятлари ўртасида ўтказилган "Олтин қайчи" кўрик-танловида фахрли биринчи ўрин соҳиби бўлди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу йил коллежни тамомлаган 362 нафар битирувчининг 277 нафари муқим иш жойига эга бўлди. 20 дан зиёд битирувчи эса банклардан имтиёзли кредит олиш арафасида туришибди. Коллежнинг қабул режаси ҳам тўлиқ бажарилди. 12 йўналишдаги мутахассислик бўйича 510 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами яқинлашмоқда. Аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида меҳнат қилаётган коллеж жамоаси ҳадемай бошланажак янги ўқув йилини муносиб кутиб олмоқда. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Ким эдигу ким бўлдик?" мавзусидаги Мустақиллик дарсларига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Энг муҳими, жамоанинг ғайрати баланд, руҳи тетик.

Орифжон СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Yarmarkalarda asosan 26 turdagi o'quv qurollari, bolalar sport formalari hamda poyabzallari xaridorlarga taklif etilayapti.

Ma'rifat

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Yangiliklarda yurt nafasi

Навоийда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган истеъдодли ёшлар иштирок этди.

Фестиваль доирасида Навоий шаҳридаги Тасвирий санъат галереясида "Ватанимга менинг туҳфам!" мавзусида расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Ёшлар марказида инновацион ва бизнес ғоялар тақдимоти, турли кўргазмалар ўтказилди.

Ёшлар фестивали Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғининг кичик амфитеатрида ташкил этилган таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

Урганчда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бош бошқармаси, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир доирасида ёшларга маркетинг стратегияси, бозор муносабатларини ўрганиш, бизнес режа тузишнинг муҳим жиҳатларини тушунтиришга бағишланган семинар ташкил этилди. Ёшларнинг бизнес лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Танловда 18-30 ёшдаги 100 нафар ёш тадбиркор янги лойиҳалари билан иштирок этди. Энг яхши, деб топилган 20 лойиҳа эгасига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган ҳолда имтиёзли кредитлар ажратиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди. 10 нафар истиқболли ғоя соҳиблари танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

– Келгусида замонавий ёшлар меҳмонхонаси ташкил этишни режалаштирганман, – дейди танлов ғолиби Темур Жуманиёзов. – Ушбу бизнес ғоямни молиявий қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатга эга бўлдим. Биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Ёшлар ижод саройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида "Имконият, маҳорат ва муваффақиятлар маскани" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Ёшлар маданият ва санъат марказида фаолият юритаётган "Миллий ва замонавий эстрада хонандалиги", "Миллий ва замонавий рақс", "Ёшлар театр студияси" ҳамда "Инглиз тили" тўгараклари ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

— Инглиз тилини пухта эгаллаб, малакали мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилганман, — дейди "Инглиз тили" тўгараги аъзоси, яшнободлик Ойбек Дўстёров. — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига кириш учун имтиҳон топширдим. Марказда ташкил этилган тўгарак дарслари ноанъанавий тарзда ўтилиши, мавзулар содда, турли ўйинлар орқали тушунтирилиши билан аҳамиятли. Малакали мутахассислар, элчихоналар вакиллари ҳамда хорижлик меҳмонлар иштирокидаги дарслар биз учун жуда самарали бўлмоқда.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида навбатдаги тиббий-ижтимоий акция бошланди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтказилаётган навбатдаги тиббий-ижтимоий акцияни ҳам ҳудудларда юқори савияда ташкил этишга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Яқинда бўлиб ўтган патронаж ойлиги доирасида тор мутахассислар кўригига эҳтиёжи бўлган беморларнинг рўйхати шакллантирилди. Ушбу беморларни ва барча аҳолини тўлақонли тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олим ва фан докторлари, таниқли шифокорлар мазкур тадбирга жалб этилди.

Миробод туманидаги 3-оилавий поликлиникада 160 дан кўпроқ бемор тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, ушбу соғломлаштириш ҳафталиги мобайнида аниқланган юқори технологияли текшириш ва даволанишга муҳтож беморлар учун август ойининг учинчи ўн кунлигида яна бир муҳим лойиҳа амалга оширилади. Яъни пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, етакчи клиникалар ва уларнинг ҳудудий филиалларида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади. Шу куни махсус йўлланма билан ушбу тиббиёт муассасаларига келган беморлар бепул тиббий текширувдан ўтказилиб, даволанади.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Таълим жараёнига янгича ёндашув

педагогларни муҳокамага чорлади

Юнусобод туманидаги 9-мактабда "Сифатли таълим-тарбия — бош вазифамиз" шиори остида ўтказилган Тошкент шаҳар педагогларининг август кенгаши ўтган ўқув йилининг сарҳисоби билан бошланди.

Қизғин кайфиятда муҳокамага киришган ўқитувчилар янги ўқув йили режасини тузишда ўтган йилги натижалардан тегишли хулоса чиқариш тамойилига амал қилишди. Саккизта шўъбада давом этган анжуманда барча фан ўқитувчилари, МТМ ходимлари ва раҳбар кадрлар ҳамжиҳатликда фикр алмашиш имконига эга бўлди.

— Замонавий таълим методистдан ўз фаолиятига янгича ёндашувни, касбий етук, методик жиҳатдан маҳоратли бўлишни, инновацион технологияларни таълим жараёнига жорий этиш методларини пухта билишни тақозо этмоқда, — дейди шўъба тренери Ўктамжон Тоҳиров. — Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан методистлар ҳар 3 йилда бир маротаба тоифа (фан)лар кесимида малака оширади. Аслида, методист ҳар куни соҳа янгиликларидан хабардор бўлиши лозим. Шуни инобатга олган ҳолда ҳудудлардаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида "Методист мактаблари" ташкил этилди.

Анжуман барча иштирокчиларнинг фаоллиги ва ташаббуси остида давом этди. Жумладан, таълим сифати мониторинги жараёнида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш ва салбий таъсир этган омилларни бартараф этиш бўйича шўъба қатнашчилари билдирган самарали таклиф ва мулоҳазалар салмоқли бўлди.

Қизғин руҳдаги шўъба йиғилишлари тугагач, ўтган ўқув йилида ташаббус кўрсатган илғор педагоглар муносиб рағбатлантирилди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Маҳалла — мустақиллик йилларида

Миллий матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан "Мустақиллик йилларида маҳалла: кеча, бугун ва эртага" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда фонд мутасаддилари, фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жорий йилнинг май—июнь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошоралик, мўқобиллик, адолат ва тенг ҳуқуқлилик асосида ташкил қилинди. Ўз маҳалласида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятига эга фидойи ва жонкуяр номзодлар ушбу масъул лавозимларга сайландилар.

Анжуманда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида 122та янги маҳалла идораси қурилди, 674таси жорий ва капитал таъмирланди, 142та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди. 2010—2015 йиллар давомида фонд ҳисобидан 4140дан зиёд эҳтиёжманд оиланинг уй-жойини таъмирлаш, 797 нафар ногирон ва чин етимнинг тўлов-контракт пулини тўлаш, 6,5 мингдан зиёд эҳтиёжманд оиладаги ёшларнинг никоҳ тўй-маросимларини ўтказишда моддий ёрдам кўрсатилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолининг ижтимоий ночор қатламидан 8260 нафари кийим-бош билан таъминланди.

«Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада яхшилаш бўйича 2013 йилда 95 мингдан ортиқ тарғибот ишлари олиб борилган бўлса, жорий йилда 110 мингга яқин тадбир ўтказилди.

Маҳаллаларда спортни оммавий ривожлантириш, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчи оила», шахмат ва шашка спорт тури бўйича «Биз — ақл-идрокли оилаларимиз» каби спорт мусобақалари ўтказилди. Фонд кўмагида 281та намунали болалар майдончаси қурилди ва фуқаролар йиғинлари тасарруфига ўтказилди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан жавоб олди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Мактаб ярмаркалари

ўқувчиларни сифатли ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан таъминлашга хизмат қилмоқда

Янги ўқув йилида Андижон вилоятидаги 741та умумтаълим мактаби 400 минг нафардан зиёд ўқувчини ўз бағрига олади. Шу йилнинг 10 августидан ҳудуддаги 70та умумтаълим муассасаси қошида мактаб ярмаркаларининг фаолият бошлагани улар атрофидаги 343та ўқув даргоҳлари ўқувчиларининг сифатли ўқув қуроллари ва кийим-кечакларга эҳтиёжини таъминлаш имконини бермоқда.

Ярмаркаларда асосан 26 турдаги ўқув қуроллари, болалар спорт формалари ҳамда пойабзаллари харидорларга таклиф этилаяпти. Муҳими, маҳсулотларнинг сифати ва нархи барчага манзур бўлаётир.

— Узоқ йиллар педагог бўлиб ишлаганим туфайли набираларимнинг ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришига жиддий қарайман. Чунки ўқувчининг дарсларни яхши ўзлаштиришида сифатли ўқув қуролларининг аҳамияти катта, — дейди фахрий педагог Анисахон Саидхонова. — Мактаб ярмаркасида харидорлар учун барча қулайликлар мавжуд. Тўлов терминаллари ўрнатилган, нархлар ҳамёнбоп. Исталган турдаги маҳсулотни топиш мумкин. Юртимизда ишлаб чиқарилган ўқув қуроллари ва кийим-кечакларнинг сифати хорижникидан кам эмас. Ўқувчилик йилларимизда қалам топсак, ўчиргич етишмас, расм дафтари олсак, циркуль муаммоси пайдо бўларди. Бугун мана шундай ярмаркалар орқали фарзандларимизнинг ҳам, отаоналарнинг ҳам мушкули осон ечим топмоқда.

Андижон шаҳридаги 2-, 31-, 48-, 49-мактабларда ташкил этилган ярмаркаларни кўриб, кўз қувнайди. Ўтган йилларга таққослаганда, бу йил маҳсулот тури кўпайгани ва таълим стандартлари асосида ишлаб чиқариш асосий мезонга айланаётгани сезилмоқда. Кийим-кечаклар растасидан ўқитувчилар учун бежирим, педагогга мос либосларнинг ўрин олгани ҳам эътиборга молик. Ярмаркага қўйилган дафтар, кундаликлар муқовасида буюк аждодларимиз сиймоси ва улар ҳаётига доир қисқача маълумотлар акс этган. Бу ўқувчида миллий ғурурни ошириш баробарида қалбидаги она Ватанга муҳаббат туйғусини жўш урдиради.

Орифжон СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Jarayon

Янги концепция

таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада жадаллаштиришга хизмат қилади

Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, бу бўйича зарур шарт-шароит яратиш, ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги "Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ўқув-чиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича Республика ҳамда ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашлари тузилиб, уларнинг мажбуриятлари ва амалга оширадиган тадбирларининг аниқ вақти белгилаб қўйилди. Коллеж битирувчилари ўтган ва ундан олдинги йилларда уч томонлама, 2016 йилдан бошлаб эса тўрт томонлама шартнома асосида ишга жойлашаяпти.

Таъкидлаш жоизки, бу жараённинг жадал боришида иш берувчиларнинг ҳам ўрни жуда муҳим. Зеро, иш берувчи буюртмачи сифатида етишиб чиқаётган кичик мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги, сифати даражаси ва рақобатбардошлилигидан қониқиши, шу орқали ўзининг ҳам техник-технологик, ҳам иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилаши керак. Бунинг учун эса корхона ёки ташкилот ўз эҳтиёжи бўйича кадрлар тайёрлаш тизимига ижтимоий буюртмани шакллантириш, касбий тайёргарликнинг мақсади, вазифалари ҳамда мазмунини белгилаш, малакавий талабларни илгари суришда фаол иштирок этиши даркор. Ишлаб чиқариш корхоналарининг модернизация қилиниши, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиб бориши бу борада олиб борилган ишларни бугунги кун талаби билан танқидий ўрганиб чиқишни талаб этади. Шу каби жиҳатларни эътиборга олган ҳолда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати томонидан таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада жадаллаштиришга хизмат қиладиган концепция ишлаб чиқилди.

— Пировард мақсадимиз ўқувчи-ёшларимизнинг ўзлари танлаган соҳа, касб бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириб, ишга жойлаштириш орқали мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдир, — дейди Ахборот-методик хизмати етакчи услубчиси Анвар Жалолов. — Яширишнинг ҳожати йўқ, бу борада иш берувчилар билан мулоқотда бироз тушунмовчиликлар ҳам учраб туради. Бу каби масалаларни чуқур ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш мақсадида Ахборот-методик хизмати томонидан маиший хизмат техникалари ва касса аппаратларини таъмирлаш бўйича уста ва телерадиоаппаратураларни таъмирловчи уста касблари бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ ўқувчиларга касб-ҳунар сирларини ўргатишдан то уларни ишга жойлаштиргунгача бўлган жараённи танқидий таҳлил қилишни мақсад қилиб олди. Нима учун айни шу касбларни танладик? Биринчидан, хабарингиз бор, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ҳозирги кунда бандликни таъминлаш, аҳоли даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омили ва йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Маълумотларга қараганда, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Жами банд аҳолининг кўпчилиги ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Иккинчидан, хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, маиший хизмат техникалари, технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Бундай жадал суръатлар билан ривожланаётган телерадиоаппаратуралар, мобил алоқа жиҳозлари, маиший хизмат техникаларини таъмирлаш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш соҳаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқув дастурларига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналар, хусусан, "Artel" компанияси жадал ривожланиб, энг замонавий уйрўзғор буюмлари, турли русумдаги телевизорлар, кондиционер ва мобиль алоқа телефонлари ишлаб чиқармоқда. Бу эса айни шу касбга эга бўлган мутахассисларимизни иш билан таъминлаш учун зўр имконият. Шуни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси таълим тармоғидаги касбий таълим бериш жараёнини қайта кўриб чиқиш, модернизация қилиш ва янги услуб ҳамда услубиётларни татбиқ этиш зарур, деган қарорга келинди ҳамда хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси тармоғини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепциядан мақсад мазкур тармоққа тегишли таълим стандартларини халқ хўжалигига кириб келаётган замонавий техника-технологиялар асосида қайта кўриб чиқиш, иш берувчи корхона, ташкилотларнинг талаб ва таклифлари асосида фан дастурларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Дастлабки қадам сифатида "Artel"нинг ишлаб чиқариш корхоналарида қанча ходим ишлайди, уларнинг неча фоизи касб-ҳунар коллежи битирувчилари, коллежни тамомлаб борган мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифати, даражаси иш берувчининг талабларига жавоб бериши каби масалалар атрофлича ўрганилди. Маълум бўлишича, ишлаб чиқариш объектларида бугун тўрт мингдан зиёд, вилоятлардаги сервис марказларида эса ундан ҳам кўп ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда. Афсуски, ишчилар орасида коллежни айни шу йўналишда битириб чиққан ёшлар жуда кам. Хўш, бунга сабаб нима?! Ахир, 233 та касб-ҳунар коллежида бу икки касб бўйича мутахассис тайёрланаяпти. Кўрсаткични ижобий томонга ўзгартириш учун иш берувчининг қандай талаблари бор. Компания раҳбариятининг жавоби шу бўлди: марҳамат, сиз тайёрлаётган мутахассисларга ҳар доим эшигимиз очиқ, лекин талабимиз шу: битирувчингиз меҳнат интизоми ва муомала маданияти, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари, радиоэлектрон элементларнинг маркаланиши, элементларнинг чизилиш тартиби, монтаж қилиш, назоратўлчов асбобларидан фойдаланиш, схемаларнинг ўқилиши, телерадиоаппаратуралар носозликлари ва нуқсонларига ташхис қўйиш, электрон қурилмаларни қисмларга ажратиш, сервис хизмат кўрсатишни билиши зарур. Битирувчи мана шу талабларни бажарса, бундай кадрга иш ўрни кафолатланади.

Ишчи гуруҳга ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, чиндан ҳам маиший хизмат техникалари ва телерадиоаппаратураларни таъмирловчи мутахассисларни тайёрлашда замонавий маиший хизмат техникалари ҳамда телерадиоаппаратуралар тузилиши, ишлаш механизмлари ва уларга хизмат кўрсатишни амалга ошириш бўйича ўқув қўлланмалари, услубий тавсиялар, кўргазмали жиҳозларнинг етишмаслиги уларнинг касбий кўникмасини шакллантиришда қийинчилик туғдирмоқда. Узоқ музокаралардан сўнг Ахборот-методик таъминлаш хизмати ва "Artel" компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолашга эришилди. Ушбу битимнинг мақсади томонлар ўртасида педагог кадр ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг профессионал маҳорати, малакаси ва касбий компетенциясини юксалтириш, таълим муассасасида ўқув жараёни ҳамда ўқув-методик ишларнинг сифатли ва самарали олиб борилишини таъминлаш, касбий таълимни ташкил этишда ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмлари илмий-методик таъминотини такомиллаштириш ва кучайтиришга қаратилди.

Ҳамкорлик чора-тадбирлари дастурига кўра ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув жараёнларини ташкил этиш, таянч касб-ҳунар коллежи моддий-техник базасини янгилаш, ўқувчилар билан ишлаш борасида қатор тадбирлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Тармоқ таълим стандартлари, намунавий ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилиб, бир талай ўзгартиришлар киритилди.

— Ўқув-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш борасида олиб борилган ишлар натижасида 18 та фан ва уларнинг ўқув дастурлари ўзгартирилди, — дейди Зангиота тумани хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълим устаси, ишчи гуруҳ аъзоси Ғафур Усмонов. — Масалан, телерадио жиҳозларини таъмирловчи уста касби мутахассисларини тайёрлашда ўқитиладиган фанларни кўздан кечирадиган бўлсак, янгиланган тармоқ таълим стандартларидаги ўзгартиришлардан келиб чиққан ҳолда техникавий чизмачилик, маҳсулот сифатини стандартлаштириш ва электр ўлчов асбоблари, радиоэлектрон ва телевизион аппаратураларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш каби фанлар чизмаларни ўқиш, ўлчаш техникаси асослари, телерадиоэлектрон-телевизион қурилмалар ва аппаратларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш деб номланди. Ушбу ўзгартирилган фанларнинг амалдаги ва янги ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастурларини солиштирганда ўртадаги фарқ яққол кўринади. Мисол учун, чизмаларни ўқиш фани мавзулари соҳанинг талабларидан келиб чиқиб, ўқувчиларга мавжуд чизмаларни ўқишни ўргатишга кўпроқ эътибор қаратилди. Ўлчаш техникаси асослари фани "Рақамли ва аналогли сигналларни ўлчаш", "Радиоэлектрон қурилмаларнинг асосий параметрларини оссилографда ўлчаш", "Импульс таъминот манбаларининг ишчи режимини электрон ва рақамли ўлчов асбобларида ўлчаш" каби мавзулар билан бойитилди. Қизиғи шундаки, радиоэлектрон ва телевизион аппаратураларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш фанида 1970—1990 йилларда ишлаб чиқарилган ва бугун деярли истеъмолдан чиқиб кетган телерадиоэлектрон-телевизион қурилмалар ўргатилиб келинар эди. Фан номи телерадиоэлектрон-телевизион қурилмалар ва аппаратларни таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш деб ўзгартирилиб, бу йилги ўқув йилидан "Artel" компанияси маҳсулотлари мисолида телерадиоэлектрон-телевизион қурилмалар, техника ва технологияларини ўқитиш йўлга қўйилади.

Яна бир мисол, 120 соатдан иборат электрчилангарлик ишлари ўқув амалиётининг намунавий ўқув дастуридаги металларнинг кесиш қисмини белгилаш, металларни зубило билан кесиш, металларни қирқиш, металларни тўғрилаш ва эгиш каби электрочилангарликка алоқаси бўлмаган мавзулар чиқариб ташланиб, "Босма платага радиоэлементларни кавшарлаш", "Резистор ва конденсаторларни кетма-кет, параллел улаш", "Сим ва кабелларни монтаж қилиш ва кавшарлаш", "Кимёвий элементлар билан ишлашда меҳнат муҳофазаси ва кавшарлаш", "Темир 3-хлорид эритмаси ёрдамида платага ишлов бериш", "Босма платага принципиал электр схема асосида радиоэлементларни жойлаштириш ва кавшарлаш", "Сигнал кириш, чиқиш уяларини ва озиқланиш кучланишини улаш", "Паст частотали сигнал сигналини улаб, ўлчов асбобларида унинг иш қобилиятини текшириш" каби радиотехника йўналишига тегишли мавзулар асосида амалиёт машғулотлари ўқув дастурини тубдан ўзгартиришга эришилди.

Шунингдек, ҳамкорликда замонавий телерадиоэлектрон жиҳозларни таъмирлаш бўйича видеороликлар, макет, плакат ва кўргазмали қуроллар тайёрланди. Ишлаб чиқариш таълими усталари учун "Artel" LED 24/9000,32/9000,40/9000,42/9000 русумли телевизорларни созлаш ва таъмирлаш" ўқув қўлланмаси яратилди. "Universal o'lcho'v asbobi MULTI-TESTER HC-260", "Sxema o'qishni o'rganamiz" каби услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ҳозир уй-рўзғор буюмларидан кир ювиш машиналари, қиш-ёз кондиционерлари, музлаткичлар, сув ситиш мосламаси, электр плиталар, чангютқичлар, ўта юқори печларни созлаш ва таъмирлаш бўйича ўқув амалий машғулотлари учун ўқув-услубий қўлланмалар, макетлар, плакатлар тўплами тайёрлаш бўйича ишлар қизғин кечмоқда. "Artel" компанияси томонидан Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат кўрсатиш, Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари таянч таълим муассасаси сифатида белгиланди ва айни пайтда тажриба-синов майдончаси, махсус фан ҳамда амалиёт хоналари жиҳозланмоқда.

Айтиш мумкинки, бу ҳамкорлик ҳар икки томонга ҳам кони фойда бўлмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун маиший хизмат техникаларига сифатли хизмат кўрсатувчи кичик мутахассисларни сифатли тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштириш, компания корхоналари учун у ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таълим муассасалари орқали кенг омма ўртасида тарғиб қилиш имкони пайдо бўлаётир.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Maktabgacha ta'lim xodimlarining an'anaviy avgust kengashlari yalpi va sho'ba yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha metodik tavsiyalar

"Sog'lom ona va bola yili" davlat dasturida maktabgacha ta'limni har tomonlama takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilgani tizimda faoliyat olib borayotgan barcha pedagog, metodist, tarbiyachilar zimmasiga ulkan mas'uliyat yuklaydi. Dasturda "Sog'lom bolani voyaga yetkazishda ta'lim tizimining rolini kuchaytirish, maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini yanada rivojlantirish, boshlang'ich ta'limning yuqori sifatini ta'minlab, ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini amaliyotga keng joriy etgan holda bolalarni maktabga tayyorlash darajasini tubdan oshirish, sog'lom turmush tarzini keng targ'ib qilish tadbirlarini amalga oshirish" vazifalari belgilangan.

O'yin maydonchalari tashkil etish, maktabgacha ta'lim muassasalari hududini obodonlashtirish va atrofini o'rash MTMning vazifasi hisoblanadi. Nodavlat maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini rivojlantirish uchun zarur shart-sharoit yaratish, bolalarni maktabga tayyorlash va har tomonlama kamolga yetkazish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar ishlab chiqish zarur. Jumladan:

— bolalar maktabgacha ta'lim va boshqa tegishli muassasalar uchun sotib olinadigan jihozlar, mebellarga talablar va standartlarni rivojlangan mamlakatlarda to'plangan ilg'or tajribani hisobga olgan holda tubdan qayta ko'rib chiqish, eng avvalo, jihozlarning ergonomikligi, qo'llashga qulayligi va foydalanish uchun xavfsizligi, uzoq muddat qo'llashga yaroqliligi, zararsiz materiallardan tayyorlangani va energiya tejamkor, samarali texnologiyalardan foydalanilganiga e'tibor qaratish;

— bolalarda mantiqiy fikrlash hamda motorikani erta rivojlantirish maqsadida 2016—2018-yillarda 3000ta maktabgacha ta'lim muassasasini ko'rgazmali qurollar, didaktik materiallar, o'yinchoqlar, 1620ta maktabgacha ta'lim muassasasini mebellar jamlamasi, o'yin va sport faollik markazlari, o'quv-metodik materiallar va 50 nomdagi badiiy adabiyotlar bilan ta'minlash;

— maktabgacha ta'limga qamrab olinmagan 3—6 yoshli bolalarni oilada maktabga tayyorlash maqsadida maktabgacha yoshdagi farzandlari bor 200 ming oilani 7 nomdagi ertak va she'rlar to'plami, ota-onalar uchun bolalarini maktabga tayyorlovchi qo'llanmalar bilan ta'minlash, maktabgacha ta'lim muassasalarida maktabgacha ta'limga qamrab olinmagan bolalar uchun 1620ta qisqa muddatli guruh tashkil etish;

— "Sog'lom ona va bola yili" davlat dasturida belgilanganidek, 5 mingta maktabgacha ta'lim muassasasi qoshida tashkil etilgan "Zumradoylar davrasi" to'garaklarida mashg'ulotlar o'tkazish bo'yicha metodik qo'llanmalar, bukletlar ishlab chiqish va nashr etish lozim.

Bu yilgi an'anaviy avgust anjumani mavzulari avvalgilaridan farq qilib, sho'ba yig'ilishlarida ta'lim boshqaruvida innovatsiyalar samarasi, zamonaviy metodik xizmatni takomillashtirish, bola shaxsini rivojlantirish, kadrlar salohiyatini yuksaltirish, tizimda faoliyat ko'rsatayotgan barcha mutaxassislar, ayniqsa, metodistlarning kasbiy mahoratini muntazam oshirish, ularni dunyoning rivojlangan mamlakatlari hamda mamlakatimizda pedagogika, psixologiya, maktabgacha ta'lim metodikasi sohasida amalga oshirilayotgan yangiliklardan xabardor etish, ta'lim-tarbiya sifatini oshirish borasidagi ilg'or ish tajribalarini tezkorlik bilan ommalashtirish maqsadida "Metodist maktabi" faoliyatini yo'lga qo'yish masalalariga alohida e'tibor berish maqsadga muvofiq.

An'anaviy avgust kengashi sho'ba yig'ilishlarini quyidagi yo'nalishlarda tashkil etish tavsiya etiladi:

1. Maktabgacha ta'lim muassasalari mudira va metodistlari.
2. Maktabgacha ta'lim muassasalari psixologlari.
3. Maktabgacha ta'lim muassasalari defektologlari.
4. Jismoniy tarbiya yo'riqchilari.
5. Musiqa rahbarlari.
6. Maktabgacha ta'lim muassasalari hamshiralari.
7. Maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyachilari.
8. Maxsus maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyachilari.

Maktabgacha ta'lim muassasalarining mudira va metodistlari sho'basida quyidagi masalalar muhokama etiladi:

— maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya jarayoni hamda boshqaruvni tashkil etishda rahbarning tutgan o'rni va kadrlar salohiyati;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya sifatini oshirish;

— maktabgacha ta'lim muassasasi rahbarining kasbiy kompetentliligi, pedagogik mahorat va madaniyatini oshirish;

— takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturi asosida ta'lim-tarbiya jarayonini rejalashtirish;

— maktabgacha ta'lim muassasasi rahbarlari va pedagoglarining muomala odobi, xulqi va pedagog imiji;

— ta'lim muassasasi rahbarining ta'lim-tarbiya jarayoni tahlillari orqali ta'lim sifati va samaradorligini oshirish yo'llari;

— maktabgacha ta'lim muassasasi rahbarining moliyaviy va huquqiy savodxonligi;

— O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori ijrosi haqida (maktabgacha ta'lim muassasasida ingliz tilini erta o'rgatishni tashkil etish);

— maktabgacha ta'lim muassasalarida yuritilishi lozim bo'lgan huquqiy-me'yoriy hujjatlarning nomenklaturasini shakllantirish;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida "Metodist maktabi" faoliyatini takomillashtirish;

— maktabgacha ta'limda metodik xizmatni takomillashtirish uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, proyeksion-multimediya vositalaridan foydalanish;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya sifatini va bolalar qamrovini oshirishda qisqa muddatli guruhlarni tashkil etish omillari;

— pedagogik jamoada sog'lom muhitni shakllantirish, axborot xurujlaridan himoyalash;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim sifati va samaradorligini oshirishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish;

— "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari"ni amaliyotga joriy etish samaradorligini oshirish maqsadida muqobil dasturlarni ishlab chiqish usullari;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida tibbiy xizmatni takomillashtirish.

Maktabgacha ta'lim muassasalari psixologlari sho'basida muhokama etiladigan masalalar:

— pedagogik jamoada sog'lom psixologik muhitni yaratish omillari, maktabgacha ta'lim xodimlari xulq-atvorining asosiy prinsip va qoidalari;

— 6 yoshli bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda psixologik muammolar;

— bolalarni maktabga pedagogik-psixologik jihatdan tayyorlashda tarbiyachi va psixologning hamkorligi;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida psixologik xizmat ko'rsatish — barkamol shaxs tarbiyasida muhim omil;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtidorli bolalar bilan ishlash;

— maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablarida ijtimoiy-hissiy rivojlanish ko'rsatkichlari;

— rivojlantiruvchi muhitni tashkil etishga psixologik yondashuv;

— maktabgacha ta'lim muassasasi psixologi ishlarini rasmiylashtirish, hujjatlar bilan ishlashda axborot texnologiyalarining o'rni.

Defektologlar sho'basida muhokama etiladigan masalalar:

— defektolog, psixolog va tarbiyachining hamkorligi;

— defektolog, tarbiyachi va ota-onalar hamkorligi;

— rivojlanishida nuqsoni bor bolalar bilan o'tkaziladigan kundalik yakka va frontal mashg'ulotlar rejasini tuzish, olib borish, tahlil qilish;

— rivojlanishida nuqsoni bor tarbiyalanuvchilarni rivojlantirish uchun olib boriladigan o'yinlarning ahamiyati va turlari;

— rivojlanishida kamchiligi bo'lgan bolalar bilan olib boriladigan korreksion-pedagogik ishlarga ota-onalarni jalb qilish yo'llari;

— maxsus yoki umumiy maktabgacha ta'lim muassasasida faoliyat yurituvchi ichki tibbiy psixologik-pedagogik komissiyaning ahamiyati;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida inklyuziv ta'limni tashkil etish;

— rivojlanishida kamchiligi bo'lgan bolalar bilan olib boriladigan ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish bo'yicha variativ dasturlar ishlab chiqish yo'llari.

Jismoniy tarbiya yo'riqchilari sho'basida muhokama etiladigan masalalar:

— takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturi asosida jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini rejalashtirish;

— harakatli o'yinlar — bola faoliyatining asosi;

— maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy rivojlantirishda milliy harakatli o'yinlarning ahamiyati;

— jismoniy mashqlar bilan birga amalga oshiriladigan chiniqtirish tadbirlari;

— bolalarning dam olishini tashkil etish;

— bolalar sog'lig'ini muhofaza qilish va ularni jismonan rivojlantirish;

— MTMda jismoniy tarbiya yo'riqchisining ish hujjatlari yuritilishi;

— bolalarni chiniqtirish — salomatlikni saqlash omili sifatida;

— ertalabki badantarbiya va jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini noan'anaviy usullarda tashkil etish;

— maktabgacha yoshdagi bolalarni sport to'garaklariga jalb qilish.

Musiqa rahbarlari sho'basida muhokama etiladigan masalalar:

— takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturi asosida musiqa mashg'ulotlarini rejalashtirish;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni cholg'u asboblari bilan tanishtirish usullari;

— bolalarning mustaqil faoliyatida musiqali didaktik o'yinlardan foydalanish;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida musiqa rahbari va tarbiyachining hamkorlikdagi faoliyati;

— musiqa rahbarining ish hujjatlari va musiqa mashg'ulotlarini rejalashtirish;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtidorli bolalar bilan ishlash;

— musiqa mashg'ulotlarini tashkil etishda axborot texnologiyalaridan foydalanish.

Maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyachilari sho'basida muhokama etiladigan masalalar:

— takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturi asosida ta'lim-tarbiya jarayonini rejalashtirish;

— "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari" va takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturi asosida noan'anaviy usullarda qiziqarli mashg'ulot ishlanmalari to'plamlarini ishlab chiqish va ommalashtirish ishlarini tashkil etish;

— "Bolajon" tayanch dasturi va "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari"da berilgan indikatorlar asosida bolalar tomonidan egallangan ko'nikma va malakalarni tahlil qilish, aniqlangan muammolarni bartaraf etish yo'llari;

— "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari" va "Bolajon" tayanch dasturini amaliyotga tatbiq etishda ota-onalar bilan hamkorlik;

— maktabgacha ta'lim muassasalarida interfaol usullar asosida mashg'ulotlar tashkil etish;

— bola shaxsini shakllantirishda rivojlantiruvchi muhitning samarasi;

— bolalar o'yinchoqlar orqali o'rganadi;

— ta'lim- tarbiya jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish;

— maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachisi ish hujjatlarining yuritilishi;

— "Tejamkorlik saboqlari" dasturi asosida integratsion mashg'ulotlarni tashkil etish;

— "Zumradoylar davrasi" to'garaklarida mashg'ulotlar o'tkazish bo'yicha metodik qo'llanma, bukletlar ishlab chiqish va ommalashtirishni tashkil etish;

— "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari"ni amaliyotga joriy etish samaradorligini oshirish maqsadida variativ dasturlarni ishlab chiqish usullari.

2016-2017-o'quv yilining asosiy vazifalari:

1. Takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturini amaliyotga tatbiq etish.
2. Maktabgacha ta'lim muassasalarida takomillashtirilgan "Bolajon" tayanch dasturi asosida bolalarga ta'lim-tarbiya berish va ularni maktab ta'limiga sifatli tayyorlashda zamonaviy yondashuv shakllari.
3. Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni jismonan sog'lom rivojlantirishni ta'minlash va tibbiy xizmatni takomillashtirish.
4. Qisqa muddatli guruhlarda "Bilimdon" dasturini ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etish ishlarini davom ettirish.

Maktabgacha ta'lim muassasalari xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish respublika o'quv-metodika markazi

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Milliy dastur — amalda

Соғлом вужуд, соғлом руҳият, ақлу идрок зукколиги, маънавий қарашлардаги етуклик... Инсондаги бу сингари фазилатлар жамият, юрт тараққиётида муҳим ўрин тутади. Демак, ҳар бир баркамол шахс бу жамиятнинг бебаҳо бойлигидир. Йилдан йилга такомиллашиб бораётган таълим-тарбия тизими қат-қатларига ана шундай ижодкорликнинг тилсимлари сингдирилаётганлиги тизимдаги энг катта муваффақиятлар омили, десак янглишмаймиз. Хусусан, ҳар томонлама билимли мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш масаласига долзарб вазифа сифатида эътибор қаратилиб, жумладан, назария ва амалиёт уйғунлигига эришилаётгани фикримизнинг далилидир.

Соғлом турмуш тарзи

боланинг унга амал қилишида мураббий маҳоратининг ўрни алоҳида

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти гимнастика ва спорт психологияси факультетининг "Гимнастика назарияси ва услубияти" кафедраси жамоаси бу борада амалга ошираётган ишлар нафақат педагог кадрларни тайёрлаш, балки, спорт, соғлом турмуш тарғиботчилари сафини кенгайтиришга хизмат қилаётгани билан ибратлидир.

Дарсларда АКТдан унумли фойдаланиш

хатоларнинг олдини олиб, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайди

— Бадиий гимнастика спорт турлари ичида «ёши» ҳисобланади, — дейди мазкур кафедра мудири, педагогика фанлари номзоди Анвар Эштаев. — Яъни, ушбу нафосат ва гўзаллик сабоқларига фарзандларимиз 4-5 ёшларидан жалб этилади ва 17-18 ёшга етганда истеъдодини ёрқин намоён этиш палласига кўтарилади. Шу боис ҳам машғулотларни тўғри олиб бориш методикасига жиддий эътибор бермоқ керакки, бошланғич даврда қайсидир жараён қолиб кетса ёки ҳаракатларда нотўғри ёндашувларга йўл қўйилса, кейинчалик хатоларни тўғирлаш узоқ вақт талаб этади ва жуда қийин кечади. Шу ўринда дарсларда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётганлиги самарали натижалар бераётганини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман. Талабалар видеороликларда акс этган лавҳалар орқали ҳаракатларнинг қай тарзда тўғри бажарилаётганини кўриб билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб боришади. Масалан, дейлик, қўлни кўтариш ҳолати, гап фақат кўтаришда эмас, балки қандай қилиб бу машқни мусиқага монанд тарзда тўғри ва назокат билан бажаришда! Англаганингиздек, машқларни бажаришгина эмас, талаб этилганидек адо этиш муҳим аҳамият касб этади. Эгилувчанлик, сакраш, тезкорлик сингари жиҳатларга ҳам ана шу нуқтаи назардан талаб қўйилади. Бўлажак педагог-мураббийлар маҳорат дарслари, устозлар маърузаларидан назарий билимларга эга бўлишса, экрандаги тасвирлар бу илмларни мустаҳкамлаб, хато ва камчиликлар бўлса тўғрилашга ёрдам беради. Кафедра ҳузурида ташкил этилган тўгарақда (мазкур тўгаракка 5-6 ёшли болалар жалб этилган) эса ўқитувчилари назоратида амалий машғулотлар олиб бориб, мураббийлик ва бадиий гимнастика санъатининг нозик қирраларини ўзлари ҳам чуқурроқ ўзлаштириб боришади.

— Дарсдан сўнг машғулотларга ошиқар эканман, қизалоқларнинг спортга ошно бўлиб улғайишларига ёрдам бераётганим, саломатликларини мустаҳкамлаш, тиклашга ҳисса қўшаётганимни англаганим сари танлаган касбимга нисбатан меҳрим, ҳурматим ортади, — дейди тўгарак раҳбари, спорт устаси Манзура Ортиқова. — Чунки, жажжи шогирдларимиз орасида шифокорлар тавсияси билан оёқлари, қоматидаги айрим нуқсонларни бартараф этиш мақсадида бадиий гимнастикадан «мадад» истаб келганлар ҳам бор. Улар билан ишлаш жараёнлари илмий изланишларимда гимнастиканинг инсон саломатлигидаги ўрни масаласига чуқурроқ ёндашиш мақсадини дилга тугишимга туртки бўлди.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, институт ва Республика олимпия захиралари коллежи, махсус мактаб-интернатлар билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари ҳам талабаларнинг тажрибали мураббийлар мактабидан амалий сабоқлар олишлари, иккинчидан замонавий билимларни ушбу таълим масканларига «олиб боришлари» учун катта имконият туғдираяпти. 2013 йили факультетнинг илк битирувчилари республикамизнинг турли ҳудудларида меҳнат фаолиятини бошлади. Бунинг маҳсулини вилоятларимизнинг энг чекка ҳудудларида яшаётган қизларимиз ҳам бадиий гимнастика бўйича ташкил этилаётган республика мусобақаларида иштирок этиб, арзирли натижаларга эришаётганларида кўришимиз мумкин.



Спорт илмдир

Албатта, таълим сифатини мазмунан бойитишда, аввало, мутахассисликка доир илмий манбаларга таянилади. Шу маънода кафедра ўқитувчилари томонидан яратилган «Бадиий гимнастикада буюмсиз бажариладиган машқларни ўргатиш услубиёти», «Бадиий гимнастикада бошланғич машқларни ўргатиш услубиёти», «Спортчиларнинг хореографик тайёргарлиги» сингари ўқув қўлланмалари, Россия, Канада, АҚШ каби ривожланган давлатлар тажрибалари мослаштирилган ҳолда ўқув дастурларига киритилаётганлиги берилаётган билимлар доирасини янада кенгайтирмоқда.

— Ҳозиргача талабаларимиз ўқув амалиётини асосан мактабларда ўтказиб келаётган бўлса, шу йилдан эътиборан уларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ҳам йўллаш назарда тутилаяпти, — дея суҳбатимизни давом эттиради А.Эштаев. — Бу эса илмий изланишларимиз доирасини янада кенгайтиради. Спорт машғулотларини олиб боришда йигит-қизларнинг жисмоний ва психологик ривожланиш хусусиятларини эътиборга олиш муҳим ўрин тутишини назарда тутсак, амалиётга киришишдан олдин унинг назарий ва услубий асосларига таяниш нечоғлик зарур эканлиги ойдинлашади. Кафедрамиз ўқитувчиларидан Галина Ҳасанова, Нилуфар Валиева, Равшан Эштаевларнинг олиб бораётган тадқиқотлари ана шу муаммолар ечимига қаратилган.

— «Бадиий гимнастика — талаба қизларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини ошириш воситаси сифатида» мавзусида иш олиб борар эканман, айнан факультетимизда таҳсил олаётган 1-курс талаба қизлари орасидан назорат ва тажриба гуруҳи аъзоларини танлаш имкониятига эга бўлганим тадқиқотларимнинг мароқли ва қизиқарли кечишига йўл очди, десам янглишмайман, — дейди Нилуфар Валиева. — Кузатишларим шогирдларимиз хореография элементлари, сакраш, мувозанатни сақлаш, айланиш машқларини бажаришда кўп хатоликларга йўл қўйишини кўрсатаяпти. Бу нуқсонларни бартараф этишнинг назарий, услубий жиҳатларини синчиклаб ўрганиш баробарида бўлажак мутахассисларда ҳар бир ҳаракатни маромига етказиб, аниқ ва равон, чаққонлик ва нафосат билан намойиш этишнинг кўникмаси қарор топишига эришаётганимиз қувонарлидир.

Бошланғич таълим — таълимнинг пойдевори

— Баъзи болалар иштиёқ билан спорт залига кириб келади. Лекин узоғи билан 1-2 йил ўтиб-ўтмай машғулотларга қатнамай қўяди. Бунинг асосий сабаби нимада, — дея бўлажак мураббийлар албатта эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида сўз очади А.Эштаев. — Бунга, жумладан, устознинг шогирди мувафқиятларида ўз меҳнати маҳсулини тезроқ кўришга шошилиши туфайли болаларнинг имконият даражаси, ёш хусусиятларини ҳисобга олмай меъёридан ортиқ юкламалар бериши ёки гуруҳдаги «рўйхат»ни қисқартирмаслик учун гарчанд ўқувчида спортнинг бошқа турига қизиқиш борлигини сезиб турса-да, уни «тутиб туриш»га уриниш каби нотўғри муносабатларни киритиш мумкин. Бағрикенг, маҳоратли мураббий бола бошланғич билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштириб олгунига қадар, ҳар бир ҳаракати устида эринмай ишлаши, ўқувчидаги иштиёқни мажбурий ундовлар билан сўндириши эмас, ундаги интилишни ҳурмат қилиб, тўғри йўналтира олиши шарт. Токи, ўқувчи машғулотлардан безмасин, спорт залига соғинч, руҳий тетиклик билан отлансин.

Гимнастика барча бирдек шуғулланиши мумкин бўлган спорт тури. Мутахассисларнинг фикрича, қиз бола 4-5 ёшга кирганда албатта бадиий гимнастика машғулотларига жалб этиш керак. Эҳтимол уларнинг барчаси бирдек спортчи бўлиб етишмас, лекин унинг соғлом она бўлиб вояга етиши, ҳар томонлама соғлом болаларни дунёга келтириб, тарбиялашида спорт билан ҳамнафас яшашнинг ҳиссаси катта. Зеро, бадиий гимнастика умуртқа поғонасининг ривожланиши, бўғинларда туз йиғилишининг олдини олиши билан турли дардлардан вужудимизни ҳамиша ҳимоя қилувчи беминнат «табиб»дир. Спортнинг ушбу тури билан доимий шуғулланиш 50 фоиз касалликларнинг олдини олиши далилланган. Шунингдек, болаликдан спорт билан ҳамқадам улғайганларда кун тартибига риоя этиш, ҳар соатни режалаштириб иш кўриш, принципиаллик шаклланиши натижасида ўз касбининг фидойиси, билимдони, устаси даражасига кўтарилиб, соғлом турмуш тарзи қонуниятларига қатъий амал қилиш кўникмаси қарор топиши илмий жиҳатдан аллақачон ўз исботини топган.

...Залга уч нафар беш ёшлар чамаси қизчалар оналарининг қўлидан тутиб кириб келишди. Улардан бири ҳеч иккиланмай шуғулланаётган тенгдошлари сафига бориб қўшилди. Иккинчиси онасининг ортига бекинди. Учинчиси эса йиғлай бошлади... Шундай ҳолатларда мураббий маҳоратини ишга солиб, ҳар бирининг характер хусусиятлари, руҳий тайёргарлигини инобатга олган ҳолда спорт оламига бошлаб кириши лозимки, бу сеҳрли дунё уларнинг бир умрлик йўлдошига айланиб қолсин. Бошланғич таълимнинг бош мақсади ана шунда!

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ma'rifat

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligiga

Автосаноат— истиқлолнинг беназир туҳфаси

Вақт қадри фақат йиллар билангина эмас, ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар билан ҳам ўлчанади. Сўнгги чорак асрда миллий давлатчилик тарихимизда жуда кўплаб муҳим воқеалар юз берди — жаҳон харитасида Ўзбекистон номли мустақил давлат пайдо бўлди. Қисқа вақт ичида дунёда ўз ўрнини эгаллади, кўп асрлик қадриятларимиз тикланди, мустақил фикрли, миллий истиқлол ғояларига содиқ, замонавий касб-хунарларни эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган янги авлод шакланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида босқичма-босқич ривожланиш амалга оширилди, дон мустақиллиги, энергетика ва нефть мустақиллигига эришилиши қатори электротехника, кимё-технология, металлургия каби йирик саноат тармоқлари тараққий топиб, халқ истеъмоли маҳсулотларининг деярли барча турлари ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. Мамлакатимиздаги тараққиёт суръатлари, кеча ва бугуннинг фарқи, эртанги истиқболимиз саноатнинг йирик тармоғи — автомобилсозлик мисолида янада яққолроқ намоён бўлади.



ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТ — ИҚТИСОДИЁТМИЗНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Ватанимиз истиқлолга эришгандан кейин унинг мустақил давлат сифатидаги улкан ютуқларидан бири мутлақо янги, мураккаб, замонавий, йирик саноат тармоғи — автомобилсозлик соҳасига асос солиниши бўлди. Кечагина Асака автомобиль заводида илк бор уч русумдаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарилган эди. Айни пайтда эса соҳа миқёси кенгайиб, ўсиш кўрсаткичлари юқорилаб бораяпти. "Ўзавтосаноат" АК тизимида айни кунда 200дан зиёд корхонада, 27 мингдан ошиқ ишчи фаолият юритмоқда, 100дан ортиқ турдаги маҳсулотлар тақдим этилмоқда. "General Motors Uzbekistan", "SamAuto", "JV MAN Auto-Uzbekistan" сингари корхоналарда енгил автомобиллар билан бирга тижорат машиналари, яъни юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, махсус машиналар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилаётир. Бугун бу барчамиз учун маълум ва оддий ҳақиқат. Бироқ соҳанинг ривожи бизга нима берганини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бу оддий муваффақият эмаслиги, автосаноат соҳасида залворли ютуқлар қўлга киритилганига гувоҳ бўламиз.

Биринчидан, автомобилсозлик мамлакатимиз учун мутлақо янги соҳадир. Мустақилликка қадар Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарилмаган. Олдин мамлакатимизда машина хариди ҳам мураккаб жараён эди. Собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида ишлаб чиқарилиб, юртимизга келтирилган автомобилларни сотиб олишга навбатга ёзилганлар машина ололмай қолган вақтларни кексаларимиз яхши эслайди. Шунингдек, кўпчиликнинг автомобиль сотиб олишни чўнтаги кўтармасди. Шунинг учун олдинлари бутун бошли маҳаллаю гузарларда саноқли машина бўларди. Эндиликда эса кўчаларимизни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар тўлдирмоқда. Автомобилсозликнинг йўқдан бор бўлгани, бугунги кунда автомобилларимизнинг хорижга ҳам экспорт қилинаётганини инобатга олганда бу каби улкан ютуқлар билан ҳар биримиз фахрланишга ҳақлимиз.

Иккинчидан, миллий маҳсулот нафақат миллий ғурур, балки мамлакат иқтисодини юксалтиришнинг асосий омилидир. Бугун ҳар бир юртдошимизнинг қалб қўрғи "ўзимизники" тушунчаси сингиб кетган. Дарҳақиқат, ўзимизнинг маҳсулот — ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч нарсага муҳтож бўлмасликни таъминлайди, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширади. Жаннатмонанд юртимизда халқимизнинг дастурхонидаги нознеъматидан тортиб, фойдаланаётган маиший техникаю автоуловигача ўзимизники — шу замин туҳфаси, бунёдкор халқимизнинг юксак салоҳиятию меҳнати маҳсули.

Учинчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналар аввало маҳаллий бозорда харидоргир. Шу кунгача улар мижозларнинг ишончини тўла оқлагани боис, автомашиналарга бўлган талаб кун сайин ошиб бораётир. Халқона айтганда, қорни тўқ, усти бут, уй-жойи бор, фарзандига жилла қурса велосипед олиб берган оилагина машина сотиб олиши мумкин. Айни кунда юртимизда ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга. Бу беш йил олдинги кўрсаткичга солиштирганда 1,5 баробар кўп деганидир. Кўрсаткичлар халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошиб, харид имкониятлари ўсиб бораётганидан дарак бериб турибди.

Тўртинчидан, автомобиль ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилмоқда. Маълумки, автомобилсозликни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳияти юксалтиришда ушбу омил муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда бутловчи қисмларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётир. Мисол ўрнида келтирсак, шовқин ўтказмайдиган материаллар, автомобиль учун электр ўтказувчи симлар, автомобиль ойналари, автомобиллардаги овозсўндиргичлар, ишланган газларни чиқарувчи қувурлар ва автоэмаллар, гилдирак дисклари, шасси қисмлари, эшик қопламалари, ёнилғи баклари, автомобиллар учун фаралар ва чироқлардан тортиб автомобиль двигателларигача — ўзимизники. Ҳатто автомобилларга ўрнатилаётган CD/MP3 плеерлар, спидометр, қулф ва калит каби деталлар ҳам маҳаллий хомашёдан тайёрланган. Бутловчи қисмлар маҳаллийлаштирилиши ҳисобига "темир тулпорлар" нархи ҳамёнбоплашиб боради. Айни кунда "Ўзавтосаноат" АК тизимида автомобиль компонентларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳалар билан шуғулланувчи корхоналар сони 35тадан ошиб кетди. Бу иқтисодиётни барқарор тараққий эттириш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш имконини бермоқда.

Бешинчидан, автосаноат соҳасининг барпо бўлиши янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб улуш қўшди. Қоланверса, автомобилсозлик тармоғида яратилаётган ҳар бир иш ўрни бошқа тармоқларда 7тадан 15тагача янги иш жойи ташкил этилиши, аҳоли бандлигининг ошишига замин яратади.

Олтинчидан, илғор технология, илмий-техникавий изланишлар, юксак малакали кадрларни жалб қилишни тақозо этадиган соҳага малакали мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди, автомобилсозларни тайёрлаш мактаби яратилди. Бугун ёшларимиз Асакадаги, Самарқанддаги автомобилсозлик касб-хунар коллежлари, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Андижон машинасозлик институти каби таълим даргоҳларида таҳсил олиб, замонавий корхоналарда меҳнат қилмоқда.

РИВОЖЛАНИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИДА учинчи авлод автомобили чиқарилди

Иқтисодиётимизнинг бақувват қанотига айланган автомобилсозлик соҳасидаги натижалар бир кунда қўлга киритилган эмас. Соҳа қадамба-қадам илгарилади. Бундан йигирма йил олдин Асакадаги автомобиль заводида "Damas", "Nexia", "Tico" автомобиллари ишлаб чиқарила бошлаган. Ўша пайтда транспорт воситалари ҳақида гап кетганда биргина Асака шаҳри тилга олинар эди. Ҳозир эса Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳам мамлакат автомобиль саноатининг марказлари сифатида эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 21 февралдаги қарори билан хорижий инвестициялар иштирокида "General Motors Uzbekistan" корхонаси барпо этилди. Бу автомобилсозлигимиз ривожида янги даврни бошлаб берди. Шундан кейин "темир тулпорлар" сафи янги, замонавий ва сифатли автомобиллар билан тўлиб борди. "Generel Motors Powertrain Uzbekistan" корхонаси ташкил қилиниши натижасида "GM Uzbekistan"нинг қўшимча қийматида маҳаллийлаштириш улуши 82 фоизга етди.

"Chevrolet" маркали моделлар — "Epica" синфидаги седан ва ноодатийликни ифодаловчи хушбичим "Captiva", 2012 йили тақдим этилган "Malibu" каби автомобиллар ҳам миллий автосаноат имкониятлари кенглигини намоён этди.

Замонавий ва шинам автобуслар, кичик ҳамда ўртача оғирликдаги юк ташувчи автомобиллар, шунингдек, оғир юкларни ташувчи катта юк автомобиллари ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидан транспорт ва логистика хизматини янги босқичга кўтараётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Тижорат автотранспортлари, яъни юк машиналари ва автобуслар ишлаб чиқарувчи "SamAuto" МЧЖ таъсисчилари қаторига Япониянинг "Isuzu" корпорацияси қўшилди. Италия, Германия, Япония, Туркия ва Буюк Британиядан келтирилган юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган корхона фаолияти янада такомиллашди.

Автомобиль ишлаб чиқаришда, уларнинг техник хусусиятлари, дизайнини мукаммаллаштириш, рақобатбардошлигини кучайтириш қатори атроф-муҳит муҳофаза қилишга таъсирини камайтириш, хусусан автотранспорт воситаларини экологик тоза ёнилғи турларига мослаштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда "GM Uzbekistan" АЖ автомобиль заводида "Lacetti" автомобилларини газ баллон ускуналари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Гилдирак ҳаракатлангани сари унинг тезлиги ошиб боргани каби соҳанинг тараққиёт кўрсаткичлари ҳам борган сари юқориламоқда. Сарҳисобларга кўра, 2015 йилда тизимда 185,4 минг дона енгил автомобиль, 764 дона "Isuzu" автобуслари, 3 056 дона "Isuzu" юк машиналари, 1 250 дона "MAN" юк машиналари, 603,4 минг дона аккумуляторлар, 87,1 минг дона куч агрегатлари ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг дастлабки икки ойида инвестиция дастури бўйича 25,1 млн АҚШ доллари ҳажмида маблағлар ўзлаштирилди. 27 май куни "GM Uzbekistan" АЖ "Nexia"нинг учинчи авлодини тақдим этди.

МАЛАКАЛИ КАДР — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Бу каби ютуқларнинг асосий омилларидан бири кадрлар масаласининг тўғри ҳал этилгани, корхоналарнинг таълим муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганидир. Соҳа корхоналарига ёш ва иқтидорли мутахассислар жалб этилади. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси малакали, амалий кўникмага эга, янги ишланмаларни илгари сура оладиган мутахассислар шаклланишига хизмат қилаётир.

— 2015 йилда "Ўзавтосаноат" АК томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотлар ҳамда саноат ва автомобилсозликка ихтисослашган касб-хунар коллежлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, — дейди "Ўзавтосаноат" АК ходимлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси Равшан Бозоров. — Дастур ўқувчиларнинг ишлаб чиқаришдаги амалиётини ташкил қилиш, уларни иш билан таъминлаш ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг моддий-техник базаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Унга кўра, ўтган йилги тизимдаги 60 га яқин қўшма ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига ўттиз учта касб-ҳунар коллежининг битирувчи курсларида таълим олаётган 13 минг нафардан ортиқ ўқувчи фиксирилди. Улардан 12 867 нафарининг бандлиги таъминланди, жумладан 371 нафар битирувчи "Ўзавтосаноат" АК тизимида фаолият юритмоқда. Юлий таъминот муассасаларининг 157 нафар битирувчилари ҳам айнан тармоқ корхоналарига ишга жойлашди.

"Ўзавтосаноат" АК тизимидаги корхоналар билан ҳамкорлик қилувчи таълим муассасаларидан бири бўлмиш Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежида автомобилларни йиғиш ва синовдан ўтказиш технаги (механиги), автомобилларга техник хизмат кўрсатиш техники (механиги), транспортда (автомобиль транспорти) юк ташиш ва бошқаришни ташкил қилиш бўйича техник, автомобиль йўлларини, суньий иншоотлар, аэродромлар ва бошқа бинолар қуриш, эксплуатация қилиш ҳамда таъмирлаш йўналишларида автомобиль саноати учун кичик мутахассислар тайёрланади.

Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи техник чизмалар ва конструкцион материаллар, автомобиль электржиҳозлари ва электротехника, автотранспортда йўловчиларни ва юкларни ташишни ташкил қилиш, автомобиль тузилиши каби махсус фанлар бўйича замон талаблари даражасидаги ўқув синфхоналари мавжуд. "SamAuto" МЧЖ ҳомийлигида ташкил этилган "Isuzu" ўқув маркази ҳам доим ўқувчилар билан гавжум.

Корхоналар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қатори олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан ҳам яқин ҳамкорлик қилади, кадрлар малакасини узлуксиз ошириб боришга эътибор қаратади. "GM Uzbekistan"да "Университетлар билан ўзаро ҳамкорлик" лойиҳаси мавжуд бўлиб, унга кўра автомобилсозликка ихтисослашган таълим муассасалари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Корхонада айни кунда 9000дан ошиқ кадрлар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг асосий қисми ёшлардир.

Асакадаги автомобиль заводида мутахассисларнинг дунёдаги етакчи завод ва корхоналарида ўз билим ҳамда малакаларини ошириб келиши яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, заводда бугун ўндан ортиқ тўғараклар ташкил этилган бўлиб, ушбу тўғарак аъзолари ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган техник камчиликларни бартараф этиш, маҳсулотлар сифатини янги босқичга кўтаришда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиб келишмоқда.

ҲАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС ТАЪЛИМ

Меҳнат бозори экспертлари яқин йилларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ мутахассисларга талаб ошиши, мазкур мутахассислик касблар ичида етакчилик қилишини башорат қилишмоқда. Шу маънода, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг очилиши айни муддао бўлди. Таълим даргоҳида сабоқлар Европа етакчи олий ўқув юртлари тажрибаларига таянган ҳолда олиб борилади. Университетда мутахассислик фанларидан амалий машғулотлар автоматика, гидравлика, пневматика, мехатроника ва робототехникага асосланган барча ишлаб чиқариш йўналишларидаги замонавий ўқув материаллари билан таъминланган махсус лабораторияларда ўтказилади. Талабалар моделлаштириш ва лойиҳалашнинг "Catia", "3D Max", "Auto CAD", "ARHICAD" каби дастури таъминотларини ўрганади. Уч ўлчамли принтер эса талабаларга моделлаштирилаётган деталнинг тайёр намуналарини яратишда қўл келади.

Таълим даргоҳида "Мутахассисликка кириш" фани бўйича маърузаларни машинасозлик ва автомобиль ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ўтишади. Талабаларда амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган бундай дарслар талабаларнинг ижодий ва профессионал салоҳиятини оширишига ёрдам беради. Ўқув жараёни Италиядаги Турин политехника университети томонидан тузилган ўқув дастурига кўра амалга оширилади ва инглиз тилида олиб борилади.

— Талабалар 1-курсни тугатиши биланоқ танишув амалиётларига боришади, — дейди ўқув-методик бўлим бошлиғи Мақсуд Бойжонов. — "Ўзавтосаноат" АК ва "GM Powertrain Uzbekistan" ҚК билан тузилган шартномага кўра, ҳар ҳафтанинг белгиланган кунида университет талабалари дарслардан сўнг назарий билимларини амалда мустаҳкамлаш учун завод офислари ва цехларига ташриф буюришади. Бундан ташқари, университетимизда "CLAAS", "Lemken", "MAN" технопарклари, Мехатроника маркази, Метрология маркази фаолият юритади. Технопарк реал саноат ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда амалий машғулотлар қурилиш конструкцияси ва материаллари синови ўтказилади, шунингдек, металлга совуқ ишлов бериш, пайвандлаш каби дастгоҳларда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ўрганилади.

"Автомобилсозликда маҳсулот сифатини бошқариш" дарслиги, "Автомобилсозлик ва автомобиллар" изоҳли терминологик луғати каби ўқув адабиётларининг яратилгани ҳам таълим жараёни сифатини оширишга хизмат қилади.

Талабаларнинг ижодий интеллектуал имкониятлари ҳам ўсиб бормоқда. Давронбек Тошпўлатов тандем-кар(қисмлари бир ўққа кетма-кет жойлашган машина), Бобур Абдуллаев масофадан бошқарилувчи робот, Эрлан Жавгашев робот-соат, Сардор Умаров линияда ҳаракатланувчи авторобот, Санжар Халилов лабиринтда ҳаракатланувчи робот, Нуриддин Одилов чизма учун машина яратди. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX республика ярмаркасида ҳам талаба-ихтирочилар ишланмаларидан иборат робот-шоу ташкил этилди.

Юқори малакали, интеллектуал салоҳияти юксак ёшлар ишга жойлашувда ҳам ҳеч қандай муаммога дуч келишмаяпти.

— Университетда доимий равишда карьера куни ўтказиб келинади, — дейди маркетинг бўлими бошлиғи Ойбек Жўраев. — Унда университет битирувчилари йирик ишлаб берувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари билан суҳбатдан ўтишади. "GM Powertrain", "UzEraeAlternator", "Uz Hanvoo", "Uz Chasys" қўшма корхоналари, "UzAuto Trailer", "Orient Concept" МЧЖлари, "Ўзэнергосозлаш", "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхоналари битирувчиларни ишга таклиф қилади.

КЕЛАЖАК ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРИ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилса, не ажаб

Фан ва техника кун сайин илгарилаб бораётган бугунги кунда транспорт воситаларининг турфа моделлари, уларда ҳайдовчилар учун яратилаётган қулайликлар кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ҳозир кўпчилик автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар электромобил устида иш олиб бормоқда. Лекин электромобилда аккумулятор батареялари кўплиги ҳисобига таннархининг юқорилиги, бир марта зарядланганда юриш масофасининг қисқалиги, батареяларни қувватлантириш учун кўп вақт талаб қилиниши каби ноқулайликлар мавжуд бўлиб, ўзбекистонлик мутахассислар ҳам бу илмий масала устида изланиш олиб бормоқда.

Андижон машинасозлик институтида муқобил энергия манбалари асосида ишлайдиган атроф-муҳитга безарар электромобиль яратилди. У бир марта қувватлантирилса, 500—600 километргача ҳаракатлана олади. Ҳозир фақат тажриба нусхаси мавжуд бўлган электромобиль ҳали такомиллаштириб, кенг ишлаб чиқаришга қўйилса, не ажаб.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида ҳам қуёш батареяларидан қувват олувчи электромобил лойиҳалаштирилмоқда. Электромобилда қўшимча зарядлаш манбаи сифатида қуёш энергиясидан фойдаланилади. Натижада аккумуляторлар қуёш батареясидан доимий заряд олиб туради, батареяларнинг зарядланганлик даражаси охирги нуқтагача тушиш эҳтимоли камаяди, хизмат муддати ошади. Ҳозир мазкур электромобилнинг икки ўринли тажриба намунаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг максимал тезлиги 30 км/соат, батарея қуввати 70—80 км.ни ташкил этади.

— Махсус техника учун универсал симулятор ясаш бўйича амалга оширилган лойиҳа мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига махсус техника (чиқинди ташиш машинаси, юк ташиш махсус техникаси, автокранлар, экскаваторлар)ни бошқариш ва хизмат кўрсатишни чуқур ўргатиш учун мўлжалланган. Айни кунда 14 та касб-ҳунар коллежи учун шундай симулятор етказилди, — дейди Технопарк муҳандиси Абдушукур Абдувоҳидов.

ТАРИХ КЎЗГУСИ

2015 йили «Ўзавтосаноат» АК ташаббуси билан пойтахтимизда Тошкент политехника музейи очилди. Музей ғилдиракнинг кашф этилишидан машинагача бўлган мозий йўли, жаҳон машинасозлиги тарихи, шунингдек, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг энг тезкор ривожланаётган соҳаларидан бири бўлган автомобиль саноати тараққиётини намойиш этади. Музей ташкил этилишининг ўзиёқ мамлакатимизда автомобилсозлик соҳасида залворли ютуқлар қўлга киритилгани, қисқа вақтда катта тарихга эга бўлганидан далолат беради.

— Болалигимда Асакада автомобиль заводининг ташкил этилганини эшитиб, машина ишлаб чиқариш жараёнини телевизорда кўриб барчанинг ҳайратланганига гувоҳ бўлганман, — дейди қурувчи-муҳандис Тоҳиржон Махсумов. — Ўша пайтдаёқ мазкур заводда ишлашни орзу қилгандим. Кейин Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети очилди. У даргоҳ менинг тақдиримда катта ўрин тутди. 2014 йили мазкур таълим муассасасини тамомлаб, Асака автомобиль заводи Капитал қурилиш ва коммунал хизмат дирекцияси капитал қурилиш бўлимига ишга кирдим. Соҳа доимий равишда, узлуксиз тарзда кун сайин янгиланиб бораяпти, янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Автомобиль ишлаб чиқаришдан олдин аввало унинг конвейери қурилиши керак. Бўлимимиз айнан шу иш — бино ва конвейерлар қурилиши, ишга туширилиши билан шуғулланади. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган бино қурилиши, ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилиши, зарур шарт-шароит йўлида хизмат қилмоқдамиз.

Ҳа, мустақиллик халқимизнинг улкан яратувчанлик ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилди, ёшларимизни Ватанимиз равнақи, буюк орзулар рўёби йўлида сафарбар этди, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ўргатди. Юртимизда қисқа вақт ичида автомобилсозликка асос солингани ва ушбу соҳа барқарор ривожланаётгани, соҳага малакали мутахассислар тайёрланаётгани, айни вақтда 52 автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатдан бири — Ўзбекистон бўлиб тургани фикримиз далилидир.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Таътил марокли ўтди

Айниқса, "Ёз-2016" мусобақалари болаларга ўзгача завқ бағишлади

Бўстонлиқ туманининг Қизилсув қишлоғидаги баланд қир-адир ва ям-яшил арчаларга бурканган пурвиқор тоғ бағрида жойлашган «Меҳрибонлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ёз — 2016» мавсумининг якунига бағишланган маросим ўтказилди. «Мозийдан садо» деб номланган тадбирда юртимиздаги меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари иштирок этиб, бадиий-мусиқий дастур намойиш этди.



«Меҳрибонлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳи табиат бағридаги мўъжаз кошонанинг ўзгинаси. Маърифат ва маънавият зали, ошхона, тиббиёт бўлими, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, ёзги амфитеатр, турли тўгарак ва компьютер синфлари болажонлар хизматида бўлди. Салқин ҳаво, мафтункор табиат ўғил-қизлар руҳиятига ўзгача ҳузур бағишлади. Ўқувчилар таътили билимларни бойитувчи машғулотлар билан янада ўзгача мазмун касб этди. Болаларни пурвиқор тоғлар, ўт-ўланларга тўла далаю даштлар, жонзотлар мафтун этди. Ёз мавсумининг тўрт даврасида тарбияланувчиларнинг турли тўгарак машғулотлари, интеллектуал беллашув ва спорт мусобақаларига жалб этилгани уларга бир олам завқ улашгани аниқ.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган оромгоҳнинг ёпилиш маросими ҳақиқий тантанага айланди. Қисқа муддат ичида бир-бири билан дўстлашиб улгурган ўғил-қизларни меҳмонлар тобора яқинлашиб келаётган Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги байрами ҳамда янги, 2016-2017 ўқув йили билан табриклашди.

— Ёзги таътилда Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларининг 1040 нафар тарбияланувчиси соғломлаштирилди, — дейди оромгоҳ бош тарбиячиси Салима Шаропова. — Болажонларнинг ҳар бир куни мароқли, эсда қоларли бўлди. Айниқса, «Тасвирий санъат», «Робототехника ва авиамодел», «Ёш ўлкашунос», «Майда пластика», «Квиллинг», «Юмшоқ ўйинчоқлар» сингари тўгарак машғулотлари мазмунли бўлди. Ижодий учрашувлар, турли кўрик-танловлар, табиат қўйнига саёҳат, кўнгилочар маданий дастурлар ҳар бир тарбияланувчи қалбида унутилмас таассурот қолдирди.

Yoz — 2016

Мавсумнинг биринчи ва иккинчи давраси якунида Самарқанд шаҳридаги 10-меҳрибонлик уйининг 25 нафар тарбияланувчиси турли беллашув ва мусобақаларда қатнашиб, 89та мақтов ёрлиғи ва учта медални қўлга киритди. Уларнинг меҳрибон тарбиячиси Дилдора Очилова оромгоҳда «Юрагимдаги қадр ҳисси» мавзусида психологик тренинг ўтказиб, турли ҳудудлардан келган болаларни янада жипслаштирди, билимини бойитди. Юнусобод туманидаги 23-меҳрибонлик уйи тарбиячиси Нурбек Йўлдошев, спорт мураббийлари Дилшод Бобоқулов, Ҳабибулло Бобоқулов ўғил болалар қалбида йигитларга хос хислатларни сингдириб боришди.

— Спартакиада, эстафета, «Қувноқ стартлар» ва синхрон сузиш мусобақаларида қатнашиб, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг медаллари билан тақдирландим, — дейди Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дурдона Абдуҳамидова. — Баҳаво маскандаги барча шароит ва имкониятлар бизга жуда ёқди. Табиат қўйнига саёҳатга чиқишнинг гашти ўзгача бўларкан. Янги ўқув йили арафасида кайфиятим аъло.

Оромгоҳнинг ёпилишига бағишланган тадбирда Халқ таълими вазирлиги томонидан фаол, фидойи ва ташаббускор тарбиячи ҳамда етакчиларга «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

— Ёзги соғломлаштириш мавсумининг мазмунли ўтиши учун ҳар томонлама ҳаракат қилдик, — дейди оромгоҳ бош етакчиси, халқ таълими аълочиси Мақсуд Жаъфаров. — Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия қилинган чора-тадбирлар режаси биз, педагогларга қўл келди. Ёзги таътил охирлаб, янги ўқув йилига ҳозирлик бошланди. Ҳадемай, юртимизда энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллик байрамини нишонлаймиз. Ўйлайманки, руҳан ва жисмонан тетик бўлиб ўз қадрдон масканларига қайтган тарбияланувчилар байрам тантаналарида яна ҳам шодликка тўлишади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.

Янги театр студия туҳфаси

Кино ҳамда театр санъатида профессионализмни шакллантириш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, мазмундор саҳна асарлари, санъатнинг ҳақиқий намуналарини кўпайтириш мақсадида "Киноактёр" театр студияси ташкил этилди.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги қошида фаолиятини бошлаган мазкур студия Республика киночилар уйида Ёвдат Илёсовнинг "Олачипор ажал" тарихий романи асосида "Тўмарис" спектаклини томошабинларга тақдим этди. Спектаклда халқимизнинг таниқли санъаткорлари ҳамда ёш киноижодкорлари тарихий Тўмарис, Эрон шоҳи Кир, она замини учун курашган ватанпарварларнинг образини маҳорат билан ижро этдилар.

— Спектаклни уч ой мобайнида саҳналаштирдик. Айрим образларни жонлантиришда учтўрт номзодни қайта-қайта синовдан ўтказиб, энг моҳирларини танладик, — дейди спектакль режиссёри Сайфиддин Мелиев. — Профессионалликка эришиш осон эмас. Актёрнинг иқтидорини ҳам театр, ҳам кинода синаш зарурлиги студияни очишга туртки берди. Ижодкор муайян қолипларга тушмай, ҳамиша янгидан-янги образларни ижро этиши зарур. Бу спектакль хайрли мақсадларимизнинг бошланишидир. Яна бир неча тарихий асарларни саҳналаштиришни режалаштираяпмиз.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

«Баркамол авлод»да ёз мавсуми якунланмоқда

"Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёт марказида ёзги таътил мавсумининг якуни ва мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда марказнинг "Авиамодель", "Автомодель", "Робототехника", "Тасвирий санъат", "Дурадгорлик", "Либослар дизайни", "Тўқиш", "Мунчоқли безак" каби тўгарак аъзоларининг ижодий ишларидан иборат кўргазма ташкил этилди. "Ёш дастурчи" тўгараги аъзоларининг Ватанни мадҳ этувчи шеърлари, «Рақс» тўгараги аъзоларининг шўх-шўх рақслари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

— Тадбир давомида «Турон» яккакураш спортчиларининг чиқишлари, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг «Қўғирчоқ театри» ҳамда бадиий жамоаси ўқувчиларга қувонч улашганини кўриб, биз педагоглар ҳам хурсанд бўлдик, — дейди марказ раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Лола Тўхтаева. — Айниқса, «Карвинг» тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган Мустақилликнинг 25 йиллиги акс эттирилган мева-чевалар кўргазмаси, тасвирий санъат тўгараги аъзоларининг «Ўзлигингдан айланай, ўлкам» мавзусида асфальтга чизган расмлари, «Авиамодель» тўгараги аъзоларининг катапульта ёрдамида учувчи самолёт моделлари мусобақасини томоша қилган ўғил-қизлар янги ўқув йилидан янада кўпроқ тўгаракка аъзо бўлиш истагани билдиргани қувонарли.



Ёзги тўгаракларга мунтазам қатнаган фаол ўқувчиларга марказ томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар берилди.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Маънавиятлимисиз? Бир қарашда осонгина «Ҳа!» деб жавоб бериб қўйиш мумкиндек туюладиган бу саволга ҳар биримиз анча ўйлаб, мулоҳаза қилиб жавоб беришимиз талаб этилади. Бунда имону инсофимиз, эзгу фазилатларга бой феъ-лимиз, таълим-тарбиямиздан ташқари яна биз илғамаган бир қатор хислатлар назарда тутилади. Бу сўроққа тузукроқ жавоб беришни истаган киши муттасил изланмоғи, ўқимоғи, ҳаёт сабоқларини баравар ўзлаштирмоғи, жамиятнинг маънавий ҳаётини кузатмоғи зарур. Ахир, маънавият тарозуси қотиб қолган фикру қарашлар, бир томонлама, нохолис баҳсу мунозаралар билан ўлчанмайди-ку!

Jurnallarni varaqlaganda

Юксак маънавият манзилларини кўзлаб...

Юртимиз бўйлаб кенг тарқатилаётган нашр — "Маънавий ҳаёт" журналини ўқиётган, сонма-сон кузатаётган ўқувчи борки, ундаги саҳифаларни шунчаки варақламайди. Бугунги кунимиз учун ўта муҳим масаладан, инсоннинг чексиз хаёлоти, курашларга бой руҳияти, илм-фан оламидаги изланишлар, ўрни келса, дарду аламга тўла кўнглигача хабар беради бу нашр. Тили равон, пишиқ таҳрирланган мақолаларга беихтиёр эргашган журналхон нашрнинг 2016 йил 2-сонини ҳам ўзгача завқ, ҳаяжон, баъзида андак изтироб билан ўқиши тайин. Сабаби, мустақилликнинг йигирма беш йиллик тантаналари учун муносиб материаллар туркуми эълон қилинган журнални ўқигач, истиқлол чинданам бемисл курашлар, катта бардош эвазига қўлга киритилгани, ҳуррият таъминининг нечоғлик тотлилигига амин бўлади. Яхшиси, нашр саҳифаларни бир бошдан кузатган маъқул...

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид "Отам, онам, мен ва уруш" хотира эссесида инсониятнинг беҳуда урушларда завол топган умри, яқинларининг ғам-кулфат, офату тангликлардан бемаҳал оқарган сочи, эгилган қадди, отаси, таниган-танимаган қишлоқдошларининг шамолларга совурилган навқирон ёшлигини аянч билан тасвирлайди. "Бу муттасил азобли хотиралар, дардли эсдаликлар давомида кунма-кун, ойма-ой ва йилмайил мен ҳам ўзим билмаган ҳолда уруш қатнашчисига, жангдаги воқеаларнинг бевосита иштирокчисига айланиб борардим", дея хотираларини титкилайди шоир. Эҳтимол, урушнинг қиёфаси, ранг-рўйини билмоқ учун жароҳатдан танаси эзилган, нимталанган ярадорга, етим қолган боланинг мунгли нигоҳига, онаизор бўғзидаги хирқироқ аламга, бева аёлнинг аччиқ-аччиқ кўзёшларига қарамоқнинг ўзи кифоядир...

"Пахтага ўраб отилган тошлар" ҳужжатли мақола бу хотираларнинг давомидек туюлади. Бунда ватандошларимизнинг айбсиз айбдорлиги, ҳақсиз жазони бўйнига илиб, йиллаб азоблангани тарихнинг ўчмас ҳужжатлари ёрдамида тилга олинади. "Ўзбек иши", "Пахта иши"нинг найранглари, халқнинг шўрига тўкилган ғавғоларини, ўзбек деҳқонининг косаси оқармаган, порахўрликда, "қўшиб ёзиш"да ноҳақ айбланган кунларини ўқигач, юрагингиз ачишиши, кўксингиз ғазабдан оғриши, сўнг тинч-осуда замонга етказганига, у замонларнинг юзини чаппа ўгирганига шукрона келтиришингиз тайин. Азим Рўзиев ҳужжатларга таяниб, ўтган аср саксонинчи йиллари фожиаларини бирма-бир келтиради.

Кейинги саҳифаларда Наби Жалолиддиннинг "Ўғлимга мактуб"ини киприк қоқмай ўқийсиз. Ота азиз фарзандига чинакам ватанпарварларнинг келажаги юрт ободлиги, элу халқ қувончига киндик боғлаганини, тарихдан сабоқ чиқариб яшаш зарурлигини уқтиради. Ҳақиқатанам, эр йигитнинг бурчи эл корига яраш, уйжойини, аҳли оиласини ҳимоя қилиш, ота-онасининг дуосидан ризқланиб умр ўтказишдир.

Тарихнинг қимматга тушган хатоларидан яна бири — қалами теран, маърифатпарвар ёзувчи, шоир, зиёлиларнинг қатағон қозонида ёппасига қайнатилиб, жисмонан маҳв этилиши, тирик қолганларига тамға босилиб, истеъдодига чанг солингани эди. "3630 кун: зулмат ичидаги нур" мақоласида ўша сим-сиёҳ кунларнинг суврати чизилади. Мағзи тўқ, ўқувчи қалбини билинтирмай иситадиган бадиий асар кучини оддий китобхон эмас, қамоқ азобидан яраланган кўнгиллар, зулматдан нур қидирганлар айтади. Ойбекнинг "Навоий" романи ўз зиёси билан қанчадан-қанча кемтик дилларга ҳузур, ёруғ кунларга ишонч ва таскин улашганини шу мақола билан танишгачгина сезиш мумкин. "Бизлар нонни азиз тутгувчиларданмиз. Бинобарин, ҳамма вақт нонимиз бўлди, лекин бўлмаганда оч қолдик, тиз чўкмадик, сабабсиз қийнаганларида ҳатто ялинмадик, мардонавор тик туриб, ўртоғимизни сақладик, сотмадик, мағрур бардош бердик... Лекин "Навоий" учун уялмадик... Бу ёш, ғариб, эзилган, хўрланган, ҳаёт ҳақидаги маълумоти жуда саёз бўлган йигитлар 25 йил ўтиришларини эсласалар... ҳамма нарсадан, шу жумладан, азиз нондан ҳам воз кечар эдилар. Худди шул вақтда улар "Навоий"дан мадад олишар, яна яшашга қўникишар, яна сабр қилишар, яна чидашар эди", дея хат битган экан муаллим Абдураҳмон Раҳимов 50 йил аввал. "Навоий" романига тиркалган сохта айбловлар, Ойбекка тақалган ёлғон бўҳтонлар пучлигини биргина мактуб, чин китобхонлар ишончи исботлаганини таъкидлаган муаллиф фикрларини "Бугун Ойбек ҳам тирик, Навоий ҳам тирик", дея якунлайди.

"Ҳаётни ўзгартирган нутқлар" рукнида берилган Жанубий Африка Республикасининг биринчи қора танли президенти Нелсон Манделанинг халқи олдида сўзлаган нутқи асрлар давомида хўрланган, камситилган африкаликларнинг ишонч ҳужжатномаси, "Дарду аламлар арийдиган вақт келди. Бизни ажратиб турадиган жарликни бартараф этадиган вақт келди. Бизнинг давримиз — йўқни бор қиладиган давр", деган даъвати эса мақсадларининг ифодаси эди.

Комиллик, комил инсон рутбаси ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган, тана ва руҳини бирлаштирган, нафсига кишан солган, ўзлигини топган инсонгагина берилади-ган мукофот. Шарқда азалдан комил инсон ғояси улуғланади, "комил инсонга эҳтиёж" неча замон бўтибдики, сира камаймайди. Иброҳим Саидовнинг шу номли мақоласи комиллик йўлидаги ўйларининг ҳосиласи, десак янглишмаймиз. Идеал инсон "қиёфалари"га чизги берган муаллиф Шўро замонида қаҳрамон деб кимлар кўрсатилгани, аслида ҳақиқат қайси тарафда эканини таассуфла билдиради. Фикрларини давом эттираётиб, ўқувчи диққатини муҳим мавзу — замон қаҳрамони қандай бўлиши кераклиги, унга қўйиладиган талабларга қаратади.

"Ҳаёт кўҳна, доно муаллим", деганди шоирлардан бири. Ҳаётнинг муаллимлиги рост, лекин унинг сабоқларини эринмай ўргатиб, ўқувчига яшаш завқи, умрнинг маъно-мазмуни нелигини англатган, илмнинг ғоятда машаққатли йўлларини босиб ўтишда кўмаклашган устозлар номини энтикиб тилга оламиз. Менингча, "Яхши устоз" таърифи энг юксак баҳолардан. Журналнинг "Устозлар ва шогирдлар" рукнидаги "Хотира дарслари" ҳам бутун Ўзбекистон аҳлига маълум мураббия, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси Фозила Сулаймонова ҳақида ҳикоя қилади. Кўзлари чақноқ, талабалик бахтидан масрур йигит-қизларнинг нигоҳини антик дунё адабиётининг сирли пучмоқларига қаратган, ақли-тафаккурида янгидан-янги саволларни уйғотган муаллиманинг сабоқларини собиқ талабаси Миразиз Аъзам ҳаяжонланиб эслайди, ёрқин хотираларидан сўзлайди.

Рассом билан фоторассомнинг фарқи нимада? Қай бирининг юмуши оғирроқ? Рассом-да, албатта, дерсиз. Йўқ, аслида, иккисининг ҳам вазифаси, танлаган йўли сермашаққат, ижод қийноғига тўла. Агар рассом ўй-хаёлини банд этган манзараларни, тасвирларни ойлаб, йиллаб чизса, фоторассом лаҳзани кадрга мухрлашдек оғир ишни бўйнига илиб юради доим. Моҳир фоторассом Эрнест Куртвелиевнинг "Она замин ва одамлар" сарлавҳаси билан тақдим этилган суратлари сонияларнинг фоторассом учун нечоғлик аҳамиятли эканини яна бир карра тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг турфа манзиллари-да умридан мамнун, ҳаётидан рози инсонларнинг табассум балққан чеҳралари, тап-тақир саҳрода туяларини етаклаб кетаётган сарбон қиз, ғурбнинг тақрорланмас онлари, юз-кўзида нур ўйнаётган юртдошларимизнинг сиймосини кадрларига жойлаган фоторассомнинг маҳорати, иқтидорию синчковлигидан ҳайратланмай илож йўқ!

Дўмбира чертиб, хирилдоқ овозда Алпомишу Ойбарчин тақдирини куйлаётган бахшини фақат ойинайи жаҳонда кўрганман. Тоғ-тошда жировларнинг ширадор овозидан сармаст бўлиб, достон эшитиб улғайган тенгдошимни учратсам, тўғриси, ҳавас қиламан, баъзида ғайирлигим ҳам тутиб қолади. Ахир, "Гўрўғли", "Рустамхон", "Маликаи айёр"ларни ўқишдан кўра, тинглаб, ҳузурланиш мароқли-да! Мусулмон Намознинг кўнглидан ўтказган, дўмбира жарангини соғиниб, ота маконидаги бахшилар гурунгидан илинган таассуротлари "Тўғри гапдан кўкаради, кўпаяди эл" мақоласида мужассамлашган. "Дедимки, бугунги бахшиларимиз шу эътиборга яраша ижод қилаяпти десак, хато айтган бўламиз. Бугунги куннинг Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир, Пўлкан шоирлари қани? Нега бугунги бахшиларимиз қадимги достонларимизнинг янги-янги вариантларини яратмаяпти? Нега бахшиларимизнинг ижод маҳсули бўлган замонавий достонлар, термалар матбуот юзини кўрмайди, радио-телевидениедан уларни жуда кам эшитамиз? Боболардан қолган меросни авайлаб-асрашнинг ўзи ҳам катта иш аслида, бироқ ижодда янгилик яратиб турилмаса, ижод қилаяпмиз деб кўкракка уриш қуруқ мақтанчоқликдан иборат бўлиб қолмайдими?", дея куйинган муаллифнинг саволлари ўринли. Қарангки, халқ бисотини авайлаб-асраш бошқаю, янги, замон руҳига мос намуналар билан бойитиш тамоман бошқа экан!

"Бола болдан ширин", деган нақлни инкор этолмаймиз. Таомларнинг энг хушхўрини, атрофимиздаги жамики нарсаларнинг аслини энг аввал фарзандларимизга илинамиз. Журналнинг бу сонида "Болалар қўшиқчилиги: изланиш ва муаммолар" ҳамда "Митти фильм мультфильм" каби долзарб мавзуларга мурожаат этилгани аҳамиятлидир. Болаларнинг маънавий оламини фақат эзгу тушунчалар билан бойитиш кераклиги бўйича билдирилган мулоҳазаларнинг барчаси эътибор бергулик, фақат таклифлар ҳаётимизга ижобий татбиқ этилса, бас!

"Маънавий ҳаёт"нинг шу сонидан бошлаб янги — "Менинг университетларим" рукни ташкил этилиб, унда ўқув масканларидаги бугунги жараёнлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш режалаштирилди ва бу хайрли ишни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети бошлаб берди. Исматилло Турдикулов университетнинг янги биноси, ўқув хоналари, замонавий дарслар, талабаларга яратилган имкониятларни кўриб, талабалардан-да зиёд қувонганини айтади. Муҳташам, қадди тик, кўркам биноларда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг порлоқ келажагидан кўнгли хотиржамлигини такрор-такрор таъкидлайди.

Бу дунёга нима мақсадда келганини англаган, ҳаётда эзгу ишлар қилишга чоғланган инсон борки, юксак маънавиятга эришиш йўлларини яхши билади, шунга интилиб яшайди! Мана шу интилиш борабора юқоридаги саволга ҳеч иккиланмай жавоб беришга замин яратса, ажабмас!

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Замонавий принтерлар

ёхуд юзйилликда инсониятни яна қандай кашфиётлар кутаётир?

Буни қарангки, биз кундалик ҳаётда тез-тез мурожаат қиладиган одатий принтер эндиликда қурилиш соҳасида ҳам катта мақсадларга ишлатилмоқда. Аниқроғи, Италиянинг WASP компанияси 3D форматида ишлайдиган, «Big Delta» деб номланган қурилиш принтерини яратди. Унинг узунлиги 12 метр, диаметри 6 метр. Принтер системаси бетон, тупроқ ва бошқа кўплаб материалларни босиб чиқариш учун энг кам даражада қувват сарфлайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг маълумотига кўра, ер юзи аҳолисининг шиддат билан кўпайиб бораётгани туфайли яқин 15 йилда 100 мингга яқин янги тураржой бинолари барпо этишга тўғри келади. «Big Delta»дан фойдаланиб, ушбу мақсадга тез ва осон эришиш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: принтер қачондан бери инсониятга хизмат қилмоқда? Қандай турлари бор? Унинг биз билмаган яна қандай сирлари мавжуд?

Биласизми, илк принтер бундан қарийб икки юз йилча олдин яратилган. 1822 йилда британиялик математик Чарльз Бэббиж ўзи босиб чиқарадиган машина устида ишлай бошлади. 1834 йили Бэббиж ҳаттоки машинанинг моделини йиғишга муваффақ бўлди, бироқ унга ишнинг натижасини кўриш насиб этмади. Орадан 150 йил ўтиб, унинг ишини Британия илмий музейи ходимлари давом эттириб, катта муваффақият қозонди. Узоқ давр мобайнида чанг босиб қолган, аммо тўлалигича сақланган чизмалар асосида ўша машина яратилди. Бэббиж заковати маҳсули — энг оддий ҳисоб-китобларни амалга ошириб, хулосани қоғозга чиқариб берди. Муаммо шунда эдики, принтер бир неча тонна келарди, шунингдек, минглаб деталлардан иборат эди.

1953 йили «Remington Rand» компанияси «Univac» компьютерлари учун юқори тезликка эга принтерлар ишлаб чиқарди. Кейинроқ, 1964 йилда матрицали (ўйма қолипли) принтер яратилди. Шундан сўнг «Seiko Epson» компанияси нуқталар орқали монитордаги расмларни ҳам босиб чиқарадиган қурилма ихтиро қилди. Ваҳоланки, 1948 йилдаёқ сиёҳли принтер пайдо бўлганди. Бироқ унга тааллуқли технология 1984 йилгача тўла-тўкис қўлланилмади. Бундан 32 йил олдин яратилган «Hewlett Packard» компаниясига тегишли «Thinkjet» принтерлари эса сифатли қурилма сифатида оммалашди.

Лазерли принтерлар эса дастлаб 1975 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, у IBM компанияси маҳсулоти эди. 1984 йилга келиб, дунё бозорида техникавий инқилоб содир этган «Hewlett Packard» компаниясининг «Laserjet» принтери етакчилик қилди. Шу тариқа чоп этишга мўлжалланган восита тобора такомиллашиб борди.

Принтер турлари

Принтер босиш имкониятига кўра, ҳарфли-рақамли, рамзли ёки белгили, график турларга бўлинади. Конструктив қурилиши ва тасвирни шакллантириш принципига кўра, қуйидаги турларга бўлинади: зарбли типдаги, анъанавий принтерлар, сиёҳли, матрицали, лазерли, фломастерли, термопринтерлар, 3D принтерлар, фотон принтерлар. Рангларнинг кўриниш сонига кўра оқ-қора (монохром) ва рангли (колор) бўлади.

Матрицали принтер механизмини 1964 йили японлар ўйлаб топган. Унинг ишлаш принципи оддий: электромагнит ҳаракатланадиган игналар (матрица) тўпламидан иборат босиш каллаги ёрдамида ёзув қоғозга муҳрланади. Оқ қоғоз узунасига каллакка жойлаштирилади ва игналар бўёқли тасма орқали унинг юза қисмида «юргизилади». Игналари сонига қараб каллаклар турлича бўлади: 9,12,14, 18 ва 24та. Игна сони қанча кўп бўлса, тасвир шунча тиниқ чиқади. Матрицали принтерлар бугун деярли истеъмолдан чиқиб кетган. Қолаверса, у сершовқин бўлгани етмагандек, жуда «имиллаб» ишлайди.

Сиёҳли принтернинг иш тарзи матрицалисига ўхшайди: тасвир нуқталардан иборат бўлади. Фақатгина игнали матрицанинг ўрнига суюқ бўёқли каллак ишлатилади. Босиб чиқарувчи каллак ва бўёқ картрижга жойлаштирилади ва қурилмага бириктирилади. Бу принтернинг кўплаб ўзига хос хусусияти мавжуд. Хусусан, улар сиёҳга кўра турларга бўлинади: сиёҳ сувли (офисдаги ва маиший ускуналарда қўлланилади), ёғли (саноатда маркалашда ишлатилади), пигментли (расмларни юқори сифатда чиқаришга ёрдам беради), сольвентли (ташқи реклама, плакат, стендлар чиқариш учун ишлатилади), термотрансферли (унинг ёрдамида кийимга расм тушириш мумкин).

Сиёҳли принтерларнинг бир неча тури мавжуд: офис принтерлари деярли барча ишхоналарда бор. У А4 ва ундан кичик форматдаги қоғозлар учун мослаштирилган. Кенг форматдагиси ташқи реклама учун ишлатилади. Маркировкали турли деталларни маркалаш учун, фотопринтер расм чиқариш учун, сувенир телефон, диск ва шунга ўхшаш буюмларга тасвир тушириш учун, маникюрли гўзаллик салонларида тирноқларга мураккаб нақшларни муҳрлаш учун ишлатилади. Биз мурожаат қиладиган аксарият офис принтерларини «Epson», «HP», «Canon», «Lexmark» компаниялари ишлаб чиқаради.

Лазерли принтерлар ишлаб чиқаришда «Xerox» компанияси етакчилик қилади. Бунга компания мутахассислари 1969 йилдаёқ нусха кўчирувчи ускуна яратиш технологиясини айнан принтерда қўллаш мумкинлигини исботлагани сабаб бўлди. Бундай принтерлар қуйидагича ишлайди: фотосезувчи барабанга лазер нури ёрдамида саҳифанинг электростатик тасвири туширилади. Тонер деб номланувчи махсус бўёқли кукун солинган барабан саҳифадаги тасвир ёки ҳарфларга "ёпишади". Барабан айланганда унга параллел равишда тонер ҳам тасвирни ёки шаклни қоғозга туширади. Тонер қоғозга маҳкамлангандан сўнг, тайёр тасвир ҳосил бўлади. Нусха чиқарувчи қурилмаларда ҳам худди шундай технология қўлланилади. 1992 йили «HP» компанияси «Laserjet 4» лазерли принтерини сотувга чиқарди. Унинг имконияти 600 dpi бўлиб, нархи 1000 долларга баҳоланган.

Бармоқларда принтер муҳри

Кун сайин мушкулимизни осон қилишга қодир янги, замонавий техника воситалари яратилмоқда. Бугун «принтер» деганда, дарҳол компьтернинг ёзувини қоғозга муҳрлайдиган аппарат кўз олдимизга келади. Бироқ охирги пайтларда принтер унча-мунча одамнинг ақли етмайдиган ишларни амалга оширмоқда.

Универсал принтер шундай қурилмалардан бири. Кўриниши худди офис принтерига ўхшайди, аммо ҳажми каттароқ. Универсал принтер орқали футболка, тарелка, телефонга ғилоф, финжон, ёғоч сувенирлар ва ҳатто қўл тирноқларига ҳам расм тушириш мумкин. Улар шундай таркибий қисмлардан иборатки, у ҳар қандай шаклдаги, хоҳ у ясси бўлсин, хоҳ қабариқ — тасвир тушириш мумкин. Ундаги иссиқлик ўтказувчи материаллардан ва иссиқлик сақловчи пластмассадан тайёрланган иссиқлик камераси турли буюмларга тасвир тушириш имконини беради. Иссиқлик манбаи — бу иссиқлик камерасининг юқори ва пастки қисмига ўрнатилган икки трубали электроситкичдир. У ҳароратни 230 градус Цельсийгача кўтаради. Силикон мембранали вакуум насоси эса вакуум босимини яратишга хизмат қилади. Вакуумли насос дақиқасига 33 метр суюқлик ишлаб чиқаради, максимал босим – 640 мм.ни ташкил этади. Электр қуввати 230 вольт, ишлаш қуввати 2800 вт.

Тирноққа расм тушириш учун энг аввало компьютердаги коллекциядан керакли дизайн танланади, кейин қўллар принтернинг бармоқлар учун мўлжалланган жойига қўйилади. Бир неча дақиқадан сўнг тасвир тирноқларда пайдо бўлади. Универсал принтерлар ичида 2012 йили «HP» компанияси ишлаб чиқарган «NP11 F5» принтери сифатлилиги ва самаралилиги билан ажралиб туради.

Навбат ошхона анжомларига

Бундан икки-уч йил олдин ишхонада ҳамкасбларим билан тушлик қилаётиб, ғалати ҳолатга гувоҳ бўлгандим. Дурдона опа ўз финжонига иссиқ чой қуйиб, менга узатаркан, қоп-қора кружкада икки аёл расми ва ёзувлар пайдо бўла бошлади. Ҳайратим ошди. Билсам, бу ўша пайтларда «янги чиққан», эндиликда эса урфга айланган замонавий принтер «мўъжизаси» экан...

Бундай тасвирлар туширилган финжон, футболка, тарелка, телефон ғилофи каби сувенирлар айни пайтда яқинларимизга тортиқ этиш мумкин бўлган энг ажойиб совғалардан. Финжонга тасвир босиш XXI асрнинг шовшувли янгилиги ва ишлаб чиқарувчилар учун яхшигина даромад манбаига айланди. 180—200 градусда бўёқ ёрдамида чинни идишга тасвир тушириш сублимацион босиш усули дейилади. Одатда у синтетик моддалардан қилинган, термоишловга бардош бера оладиган маҳсулотга туширилади. Финжонга расм тушириш жараёни қуйидагича: аввал тасвир компьютерда тайёрланади. Сўнгра махсус локланган қоғозга туширилади. Қоғоз сиёҳ билан бирга термоскотч ёрдамида ёпиштирилади. Кружка термопрессга ўрнатилади ва ҳарорат 180—200 градуса етганда тахминан 2-3 дақиқа ушлаб турилади. Лок ўз тешикчаларини очади, бундай пайтда тешикчалар орқали бўёқ буғи буюмга ўтади. Шундай тарзда исталган тасвир узоқ вақтгача стакан қопламаси бўлиб сақланиб қолади. Кружкага тасвир туширилгач, қоғоз шилиб олинади ва сурат сифати текширилади ва совуқ сувга солинади. Шунда лок тешикчалари ёпилиб, тасвир узоқ вақт ўчиб кетмайди.

Металл ва пластик буюмлар термобосма учун яроқсиз маҳсулотлар ҳисобланади. Сублимацион босма учун асосан керамик идишлар ишлатилади. Уларнинг уч тури мавжуд: 1) "хамелеон" — иссиқлик сезувчи идиш, юқори ҳароратда тасвир туширилади (иссиқ сув қуйилганда, сурат пайдо бўлади). 2) ёруғлик тўпловчи — босиш пайтида идишга махсус бўёқ суртилади, кундузи қуёшдан қувват олиб, қоронғиликда ёнадиган. 3) оқ кружка — ундаги тасвир максимал даражада ёруғ кўринади. Бундан ташқари, уни рангли ручкалар билан безатиш мумкин.

Принтер инсон ҳаётини сақлаши мумкин...

Қандай қилиб дейсизми? Британиянинг "The Economist" журналида эълон қилинган мақола дунё аҳлини ҳайратга солди. Боиси, унда инсон организмларини босиб чиқарадиган — биопринтер яратилгани ҳақида ёзилганди! Ушбу биопринтер инсон организмидаги турғун тўқималарни босиб чиқариш хусусиятига эга. Фақат босиб чиқарилган организмлар инсонга кўчириб ўтказиш учун мўртлик қилмоқда. Ушбу биопринтер икки йирик компания — Сан-Диегода жойлашган "Organovo" ва Мельбурндаги "Invetech" компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқарилди.

Бир қатор тадқиқотлардан кейин эса ушбу ноёб машина сунъий ишлаб чиқариладиган аъзолар учун қонтомирлар тармоғини яратди. Баъзи тадқиқотчилар кейинчалик инсон танаси учун аъзони тўғридан-тўғри «чоп этувчи» қурилма яратилишини айтмоқда. Ҳозир америкалик шифокор Энтони Атала беморлар танасини сканер қилиб, қаерга тери керак бўлса, ўша жойига тўғридан-тўғри тери «босадиган» принтер яратишга бел боғлаган.

— Инсон аъзоларининг тўрт тури мавжуд: тери каби ясси, қон томирлари каби трубасимон, қовуқ каби ғовак ва қаттиқ аъзолар, — деди Э.Атала. — Биринчи турдаги аъзолар трансплантацияси деярли ҳал қилинди. Тез орада "қаттиқ" аъзолар билан боғлиқ муаммо ҳам ўз ечимини топади, деган умиддаман. Агар кўзлаган мақсадга эришсак, қанчадан қанча одамларнинг ҳаётини сақлаб қолардик.

Кузатамиз, олимлар ўйлаган режалар хомхаёл илмий фараз сифатида қолиб кетармикан ёки рўёбга ошиб, ҳаётда ўз тасдиғини топадими? Ҳар қалай, ушбу юзйилликда инсониятни яна ўнлаб ақлбовар қилмас кашфиётлар, ихтиролар кутаётгани муқаррар.

Феруза ФУЗАЙЛОВА ва Гулида ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Bolalar bilan o'tkazilgan test natijalariga ko'ra, ular uchun bir kun ham uzoq davom etishi aniqlandi.

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Ерга ўхшаш 20та экзосайёра

Шу кунга қадар "Кеплер" космик телескопи орқали минглаб экзосайёралар аниқланган. Олимлар эса уларнинг ичидан сайёрамизга ўхшашини ажратиб олди. Бунда 20та экзосайёрада ҳаётнинг мавжудлиги ўрганилмоқда.

Мазкур рўйхатга 4 мингта экзосайёрадан 216таси ажратиб олинди. Уларда оби-ҳаётнинг мавжудлиги ўрганиб чиқилди. Мазкур рўйхат яна қисқариб, "Олтин йигирматалик" тузилди. Улар эса тузилиши жиҳатдан Ерга ўхшашлиги билан ажралиб туради. "Astrophysical Journal" нашрида келтирилишича, қолган 186та сайёрада ҳаёт аломатлари тадқиқотларда аниқланмади.



Сан-Францискодаги Калифорния штати университети ходими Стивен Кейннинг таъкидлашича, агар Ер бундан уч миллиард йил олдин ҳозирги технологиялар асосида ўрганилганда, инсониятнинг ҳаёт кечириши учун мутлақо имконият йўқ, деган хулосага келинарди. Чунки ўша вақтда она сайёрамизда кислород мавжуд бўлгани инкор этиларди.

Олимлар навбатдаги тадқиқотларида мазкур 20та экзосайёранинг ҳар бирини диққат билан ўрганиш ва таҳлил қилишни режалаштирмоқда.

Тишларни тозалаш саратондан сақлайди

АҚШ олимлари оғиз бўшлиғида кўпаювчи фузобактериялар сабаб йўғон ичакда хавфли хасталик, юзага келиши мумкинлигини аниқлади, деб ёзилади "Cell Host & Microbe" журналида.



Фузобактериялар соғлом тўқималарда эмас, балки колоректал шишлар ва касаллик тез ривожланиши мумкин бўлган жойларда кўпаяди. Бунда микроблар йўғон ичакка қон йўли орқали ўтиши тахмин қилинмоқда. "Fap2" оқсили таркибида бўлувчи мазкур бактерия, айниқса, шишларда тез ривожланади. Унинг юза қисмига мустаҳкам жойлашиб олгач, хавф икки ҳисса ортади. Мазкур илмий хулосалар сичқонларда ўтказилган тадқиқотлар ва колоректал саратон ташхиси қўйилган беморларнинг тўқималари таҳлили асосида амалий ўрганилди.

Мазкур касаллик хавфли ўсимта билан кузатиладиган ўлим ҳолатига сабаб бўлувчи энг асосий омиллардан биридир. Олимлар "Fap2" оқсилига қарши дори-дармондан фойдаланилганда саратоннинг ривожланиши аста-секин сустлашишини аниқлади.

Фузобактериялар инсоннинг юқори нафас йўлларида ҳам яшайди. Бунда микроорганизмларни қўзғатувчи омил ангина, герпетик стоматит ва инсондаги иммунитет танқислиги экан. Шу сабабдан тишларни вақтида тозалаш талаб этилади.

Келажак самолёти қандай бўлади?

Хитойлик олимлар учиш йўлакчасидан орбитага тўғридан-тўғри парвозни амалга оширувчи ва товуш тезлигида ортга қайтувчи самолёт лойиҳаси устида ишламоқда. Келажакда у космик туризмнинг ривожланишига хизмат қилади, деб хабар беради "Digital Trends".



Хитойнинг нуфузли аэрокосмик илмий ва технологик корпорацияси гибрид самолётлар ва космик қурилмаларнинг навбатдаги авлодини яратиш бўйича иш олиб бормоқда. Космик самолёт унинг орбита бўйлаб парвозини таъминлаб берувчи ва ортга қайтишига хизмат қилувчи гибрид двигатель билан жиҳозланади. Самолёт ўт олгач, гиперовозли ҳаво-реактив двигателни ишга туширади. Бунда ҳаво кемаси денгиз сатҳидан 20—100 километр баландда жойлашган атмосфера қобиғини ёриб ўтади. Орбитага чиқиш учун эса бортли ракета двигателидан фойдаланади. Самолёт космосга бир неча маротаба парвозни амалга оширади.

Двигателининг қулайликлари сабаб унда илк маротаба парвоз қилаётган учувчи ҳам қийналмайди. Қурилма 2020—2030 йиллар оралиғида синовдан ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Ёш ўтгани сари вақтни тўғри режалаштиринг

Олимлар вақт қадри бўйича бир неча тоифадаги, яъни болалар, ўрта ёшли кишилар ва кексалар иштирокида тадқиқот олиб борди. Бунда ёшга ёш қўшилиши билан вақт тез ўтаётгандек туюлиши маълум бўлди, деб ёзади "МедВести".

Болалар билан ўтказилган тест натижаларига кўра, улар учун бир кун ҳам узоқ давом этиши аниқланди. 20—25 ёшдан сўнг инсон ҳаётдаги мақсадини англаб етади ва кўпроқ нарсага улгуриш учун турли машғулотлар билан банд бўлади. Мазкур жараёнда эса вақтнинг қандай ўтгани сезилмайди, натижада бир неча соатлар худди дақиқалар каби туюлади. Киши кексайгани сайин ўтаётган ҳаётини сарҳисоб қилади ва ҳар бир сония катта аҳамиятга эга бўлади. Бу ёшгача хурсандчиликлар билан бирга ғам-ташвишлар ҳам ортиб бораверади, натижада кун ва туннинг қандай алмашгани ҳам сезилмайди. Олимлар мазкур ҳолат юзасидан метаболизм ва ҳаёт кўрсаткичларига ҳам эътиборини қаратди. Яъни болаликда юрак қисқариши ва нафас олиш частотаси кучли бўлади. Метаболизм жараёни ҳам ёш ўтгани сари секинлашади. Мазкур омиллар вақт борасидаги қарашларга ҳам кучли таъсир этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, йилдан-йилга инсон қабул қилаётган маълумотлар ҳам ортиб боради. Бунда мия уларни қайта ишлаш ва узатиш билан банд бўлади ва вақтнинг ўтаётганини таҳлил қилмайди. Шунингдек, 20 ёшдан сўнг "бахт гармони", яъни дофамин концентрациясининг қисқариши ҳам куннинг қандай ўтишига таъсир ўтказади.

"Google" корпорацияси янги операцион тизим яратмоқда

"Google" корпорацияси мобиль қурилмалар учун янги операцион тизимни ишлаб чиқмоқда, деб ёзади "The Next Web".



Янги тизим яратилгани ҳақидаги расмий хабар эълон қилинмасданоқ "Android" ва бошқа операцион тизимларга муносиб рақобатчи пайдо бўлгани ҳақида маълумот тарқалди. Компания муҳандиси Брайан Светланднинг айтишича, "Fuchsia" номли янги операцион тизим келажакда ахборот бозорида ўз ўрнини топишига умид қилинмоқда. Бунда аввалги тизимлар учун фойдаланилган "Linux" ядросидан воз кечилиб, ўрнига "Magenta" ядроси қўлланилди. Шу сабаб операцион тизим "FreeRTOS" ва "ThreadX" кабилар билан бемалол рақобатлаша олади.

Компания янги маҳсулот орқали компьютер ва мобиль қурилмаларнинг OnHub ва Google Home уй экотизимлари билан интеграциясини кучайтиришни режалаштирмоқда. У 32 ва 64 битли "ARM" архитектурасидаги ва 64 битли анъанавий компьютер процессорларида ишлайди.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

JUMLADA JAHON
yangiliklari O'xabarlari

"Associated Press"нинг хабар беришича, Калифорния штати Лоуэр-Лейк шаҳрида юз берган 15 квадрат километрга яқин майдонни эгаллаган йирик ёнғин 100дан зиёд тураржойнинг вайрон бўлиши, 1,4 мингдан ортиқ маҳаллий аҳолининг хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинишига олиб келди, шунингдек, ҳудудда кузатилаётган иссиқ ва қуруқ об-ҳаво табиий офатга қарши курашишга халақит бермоқда.

"ТАСС" тарқатган маълумотларга кўра, Непалнинг Кавре-Паланчок шаҳрида Маданкудари томон ҳаракатланаётган йўловчи автобусининг 150 метр чуқурликдаги дарага қулаб тушиши оқибатида 24 киши ҳаётдан кўз юмган ва яна 25 нафар инсон жиддий жароҳат олган.

Перуда юз берган 5,4 магнитудали зилзила оқибатида тўққиз киши қурбон бўлган, 40 нафар инсон жабрланган, табиий офат келтириб чиқарган кўчки туфайли 50дан ортиқ уйлар қулаб тушган ва йўлларда қатновнинг тўхтаб қолишига олиб келган, деб хабар берилади "La Republica" нашрида.

"WVTM" телеканалида маълум қилинишича, АҚШнинг Алабама штати Нортпорт шаҳрида Киссиммидан Оксфорд томон парвозни амалга ошираётган икки моторли "Piper PA-31" русумли самолётнинг фермерлик ерларидаги дарахтларга урилиб, қулаб тушиши оқибатида олти киши ҳаётдан кўз юмган.

Хитойнинг Гуандун провинцияси Дунгуань округининг Далан қишлоғида юзага келган ёнғин тўққиз кишининг ҳаётига зомин бўлгани, икки киши жабрланганги, табиий офатни бартараф этиш ва қидирув-қутқарув ишларига 90 нафар ўт ўчирувчи жалб этилгани маълум қилинди, деб ёзади "Сина" ахборот портали.

Бельгиянинг Гент шаҳридаги қаҳвахонада қуролланган кишининг борлиги ҳақида хабар берилгач, воқеа жойига етиб келган ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари жиноятчидан хавфли қуролни қайтаришни сўраганда уларга қарата ўқ узган, ҳозирча воқеа тафсилотлари ҳақида аниқ маълумот йўқ, дея хабар қилади "ТАСС".

"France Bleu" радиоси орқали маълум қилинишича, Франциянинг Жуан-ле-Пен курорт шаҳрида йўловчи машиналарининг биридан улоқтирилган портловчи восита сабаб оммавий тартибсизлик юзага келган ва оқибатда 40 нафар маҳаллий аҳоли жабрланган.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси марказнинг собиқ ходими, меҳнат фахрийси **Ҳамидулла НАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Тоғлар кўрки

Бойсун денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган. Бу ерлар ўзининг табиат гўзалликлари билан маълум ва машҳур. Мангу яшил арчазорлар, баланд-баланд тоғлар, беҳисоб қир-адирлар, ойнакўз булоқлару шарқироқ сойлар... Ана шу тоғларга фусун бағишлаб, мисоли тириклик бераётган бебаҳо дарахт — арчадир.

Ўқувчилик йиллари ёзни Қайроқда ўтказардим. Қариндошимиз, қайроқлик Ёвқочдиев бозорўчар учун Бойсунга келса, бизникида тунаб қолар ва мени ўз фарзандидай яхши кўрарди. "Нуқул қандчой ичавериб рангинг сарғайиб кетибди, тайёрлан, эртага тоққа кетасан", дерди у. Мен эса бундан хурсанд бўлардим. Фақат отга миниш ёқмасди. Чунки доим ҳам от миниб юрмаган киши дабдурустдан мингашиб олса, бирмунча вақт оёғи унга бўйсунмай қийналиб қолади.

Қайроқ атрофи арчазорлар билан қопланган, ўртасидан сой оқиб ўтувчи кичик бир қишлоқ бўлиб, олтмишинчи йиллари анчагина аҳоли истиқомат қиларди. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги янги ерларни ўзлаштириш учун кўчиб кетишди. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланар, ёз келиши билан тоғ-адирларга капа тикиб кўчиб чиқишарди. Мен ҳам эртадан кечгача қишлоқ болалари билан қўй-эчки боқиб арчазорларни оралаб юрардим. Қайроқ қишлоғининг ёнидаги тепалик Арчазор деб аталади. Бунда арчалар шунчалар кўп эдики, ёлғизоёқ сўқмоққа ҳатто қуёш нури тушмасди. Шу сўқмоқда танҳо ўзим соатлаб юрардим.

Какликлар сайроғи эшитиларди, гоҳида она каклик жўжаларини эргаштириб рўпарамдан чиқиб қоларди. Жўжалари шунчалик ҳушёрки, бирон хавфни сезишса, зумда буталар орасида ғойиб бўлади. Қанчалик изламанг, тополмайсиз. Тўсатдан бута тагидан ёввойи қуён югуриб чиқади, у бироз чопади-да, тўхтаб орқасига қарайди, бирон таҳдид сезмагач, яна югуради, яна тўхтаб қарайди...

Атрофдаги саноқсиз арчаларни кузатаман. Айримлари тик, баъзилари эгри-бугри. Уларнинг ер бағирлаб ўсган томирлари бир-бирига қўшилиб кетганидан ҳатто кўриниб турган илдизнинг қайси арчаники эканини ажратиб бўлмайди. Арчаларнинг баландлиги 5—10 метр. "Зич жойларда 10 метрдан баланд арчалар бор", дейишади қайроқлик қариялар ўз гурунгида. Кейинчалик бундай арчаларни кўплаб учратдим.

Бир пайтлар Санжартоғ ортидаги Якка арча дарасига боргандик. У ерда фақат тобатошларда ўсган минг ёшли арчаларни учратиш мумкин. Чағир тошли, пиёда аранг сиғадиган тор йўлакдан бошқа йўл йўқ. Нарёғи жарлик. Бу ерларда чўпонлар яшамайди; от, эшак юролмайди. Чинордек баҳайбат арчалар тарвақайлаб ёйилган чандир томирлари билан тоғ тўшини қучоқлаб ётибди. Шунда бир нарсага гувоҳ бўлдим: арча ўзи ўсган тошда тупроқ ҳосил қилиб, бошқа гиёҳ ва ўсимликлар ўсишига имкон яратаркан. Ҳар сиқим тупроқни аёвсиз шамол, сел сувларидан асраб ётаркан. Арчанинг игна барглари аста-секин тўкилиб, остида, ёнверида қатлам ҳосил қилади. Бу қатлам чанг ва ғуборларни ўзига сингдириб, йиллар ўтиши билан чириб тупроққа айланади ва шамол келтирган турли ўсимлик уруғлари ўсиши учун қулай шароит туғдиради. Қарабсизки, кўп ўтмасдан арча ости ва атрофи ўтлоққа айланади. Ўшанда арчалар жуда битмас-туганмасдек туюлади. Кейинчалик билдим, улар камаяётган экан. Арчалар ҳақида худди тирик нарса ҳақида гапиргандай гапириш, улар ҳақида ёзиш, муҳофаза қилиш, кўпайтириш лозим экан.

Тоғ арчаси жуда секин ўсади. Ниҳол арчанинг вояга етишини кузатиш учун бир авлод умри керак бўлади. 50 йилда бўйи атиги 1,5-2 метрга етади ва фақат бир асрдан сўнггина у баҳайбат дарахтга айланади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Бойсун тоғида икки минг ёшли арчалар бор. Ривоят қилишларича, бир ботир инсон абадийлик ҳадя этувчи булоқни излаб йўлга чиқибди. Ниҳоят, уни топибди ва кўзани оби-ҳаётга тўлдириб қайтаётганида ҳориб-чарчаганидан арчанинг тагида дам олмоқчи бўлиб ухлаб қолибди. Қаерандир қарға учиб келибди-да, сув ичаётиб кўзани ағдариб юборибди. Оби-ҳаётни арчанинг томирлари шимиб олибди... Шунинг учун арчани минг йиллаб умр кўради, дейишади.

Арча ер юзидаги энг қадимий дарахтларнинг бири. У азалдан инсон ҳамроҳи бўлиб келган. Чақалоққа бешик, отга эгар, уйнинг томи, чўпон таёғи ундан ясалди. Темирчи арча кўмирида металл эритди, дурадгор эшик, сандиқ ясади, наққош гул ўйди, табиб дори тайёрлаб беморларни даволади...

Арчанинг энг фойдали томонларидан бири — унинг фитонцидга бойлиги. Фитонцид кишиларга, дарахт ва ўсимликларга зиён келтирувчи ҳар хил микроблар ва бактерияларни ўлдирадиган модда. Ана шу модда туфайли эчки, қўйлар арча шохларини емайди. Ҳозирги замон медицина фанининг узоқ йиллар олиб борган кузатишларига қараганда, бир гектар арчазор ўзидан бутун бир шаҳар осмонидаги микробларни қириб ташлашга етадиган фитонцид ажратиб чиқарар экан. Буни тоғликлар яхши билишади.

Тез бузиладиган хом гўшт ва бошқа нарсалар орасига бўжа-(арча шохчаси) қўйиш азалдан бор. Арча шохлари ёқиб пиширилган тандиркабоб узоқ сақланади. Арча шохчаси ёқиб тутатилган уйда грипп микроблари қирилиб кетади. Халқ табобатида арчанинг ғудда меваси майдаланиб, кунжут мойига аралаштирилиб, қулоғи яхши эшитмайдиган беморлар даволанган. Ёш новдаларнинг қуритилган нина барглари эзиб ҳидланганда бош оғриғи дарров қолади. Арча мойи суртилган ҳар қандай яра тезда битган.

Баланд тоғ чўққиларидаги баҳувват арчалар ёзда иссиқнинг, қишда совуқнинг кучини кесади. Шу туфайли тоғолди жойларнинг ёзи салқин, қиши илиқ бўлади. Буюк табиб Ибн Сино жуда кўп касалликларнинг давоси арчазорлар қоплаган тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш ва унинг бағрида дам олишдадир, деган. Арчанинг тоза яшил барги асабни тинчлантиради, кўнгилга осойишталик бағишлайди, кўзга дам беради. Минг дардга даво бўлувчи мўмиёнинг ҳосил бўлишида арчанинг ҳам роли бор, дейишган олимлар.

Қиш кунлари арчазор ўрмонни бир кузатинг, гўё эртаклар оламига тушиб қолгандек бўласиз. Қор кўрпасига ўралган арчалар сукунат оламига ғарқ бўлгандай, аммо бу ёлғон тасаввур. Арчанинг қалин шох-шаббаси қорларни тутиб қолиб пастга туширимайди. Бу эса қишки уйқуга кетмайдиган жонзотлар, қушлар учун айни муддао. Улар бутун қиш бўйи арчалар тагидаги қор босмаган қуруқ ердан ўсимлик уруғи, илдизини еб жон сақлашади...

Ҳа, бундай ажойиб хусусиятларга эга арча дарахти тоғларимиз файзи, баракаси. Улар табиат мўъжизаси, деган номга ҳар томонлама лойиқ.

Очил ТОШҚУЛОВ

Адашган маймун

Нақл этишларича, қадим замонларда бир маймун бўлган экан. У ўрмондаги барча жонзотларга — ҳайвону парандаларга тақлид қилишни яхши кўраркан. Бунга шунчалик берилиб кетганидан баъзан ўзининг маймун эканини ҳам унутиб қўяркан.

Кунларнинг бирида шу маймуннинг боласи ўрмонда у дарахтдан, бу дарахтга сакрайвериб адашиб қолибди. Нима қилишини билмай турганида, бахтига олдидан кўпни кўрган қари қарға чиқиб қолибди. Маймун боласининг ўрмонда адашиб, онасини излаб юрганини эшитиб, ундан сўрабди:

— Онанг сени чақирганда қандай овоз чиқарар эди?

— Ба-ба, — деб маъраб кўрсатибди маймунзода.

–Йўқ, йўқ, сен адашаяпсан. Қўйлар боласини шундай чақирганини эшитган эдим. Агар онангнинг овозини эслай олганингда эди, иккимиз шунга ўхшатиб қичқирар эдик. У бизни таниб, келган бўларди.

Маймунзода онаси чақирганда қандай овоз чиқаришини эслашга уринибди:

— Қу-қу-қу.

— Яна адашаяпсан. Ахир, товуқ деган жонзот тонгда шундай қу-қулайди. Сенинг эса на қанотинг бор, на уча оласан.

— Миёв-миёв.

— Наҳотки, онангнинг овозини унутган бўлсанг. Ахир, миёвлайдиган жонзот мушук-ку. У одамлар хизматида юради. Овозини эшитган сичқонлар инларига қочиб кетадилар. Қочолмаганини эса тутиб ейди. Унинг бор хизмати шундан иборат.

— Вов-вов, — дебди онасининг бир гал вовуллагани ёдига тушиб.

Қари қарға итларнинг вовуллаганини кўп эшитган экан. Дарров ит овозини танибди.

"Мў-мў-мў"лабди маймунзода онасининг овозини топгандек бўлиб. Бу гал адашмагандирман деб ўйлабди ичида севиниб.

— Афсуски, яна адашдинг. Уй ҳайвони — сигир шундай мўрайди. Айниқса, унинг сутини соғиб олиб, емишга тўйдирмасалар. Наҳотки, ўз онангнинг овозини эслашинг шунчалар қийин бўлса?!

— Битбилдиқ...

— Бу сайроқи бедананинг овози-ку. Одамларга хуш ёққани учун уни учиб кетмасин деб тўр-қовоққа солиб қўядилар.

Қарғанинг яна эътирозини эшитган маймунзода бор овози билан йиғлашга тушибди. Уни на қарға, на бошқа биров юпата олмабди. Йиғи овози шунчалар баландлашибдики, ўрмон ичида уни излаб юрган онаси ҳам эшитибди ва югурганича боласининг олдига келибди. У эски одати бўйича гоҳ сичқоннинг овозига тақлид қилиб боласини чийиллаганича юпатар, гоҳ мушукдек мулойим миёвларкан. Буни кузатиб турган қарға, айб онасининг қандай чақиришини эслай олмаган маймунзодада эмас, ҳар кимсага тақлид қилиб, ўз овозини йўқотган она маймунда эканини англабди.

Қиссадан ҳисса шуки, ўзлигини йўқотган кимса, ҳатто ўз боласига ҳам бегона бўлиб қолиши ҳеч гапмас.

Ҳидоят ОЛИМОВА

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)

Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан кам эмас!

Олимпиадачиларимиз мустақиллигимизнинг 25 йиллигига ажойиб совға тайёрламоқда!

ЎзА сурати.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Келинг, энди икки оғиз чемпионларимиз ҳақида тўхталсак. Бразилияда биринчи бўлиб юртимиз мадҳияси янграши ҳамда байроғимиз музаффар ҳилпирашига ҳисса қўшган Ҳасанбойнинг ёрқин ғалабаси миллионлаб юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Унинг муваффақиятини фақат ота-онаси, устозлари ва яқинлари эмас, балки бутун халқимиз улкан ҳаяжон билан кузатди. Шу куни сайёрамизнинг энг нуфузли спорт байрамида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган, жуссаси кичик бўлса ҳам мушт-лари қаттиқ, зарбалари залворли Ҳасанбой тимсолида юртимизда камол топаётган ёшлар — навқирон авлод вакилларининг куч ва салоҳият, истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигига ва ҳеч қачон кам бўлмаслигига яна бир бор амин бўлдик.

Бу ғалаба у туғилиб ўсган Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани Кулла қишлоғида, айниқса, байрамга айланиб кетди. Ҳасанбойнинг финалга чиққанини эшитиб, узоқ-яқиндан Ҳайитбоевлар хонадонига муҳлислар оқиб кела бошлади. Мақсад — финал жангини Ҳасанбойнинг оиласи билан бирга кўриш эди. Қойил! Меҳмонларнинг қадами қутлуғ келган экан, финалга қадар мексикалик Хоселито Веласкес, қозоғистонлик Биржан Жакипов, АҚШ вакили Нико Мигель Ҳернандесни мағлубиятга учратган Ҳасанбой уч раунд давом этган ҳаяжонли финал жангида колумбиялик Юберхен Мартинесдан ҳам устун келди. Шу ондаёқ Ҳайитбоевлар оиласида шодон қийқириқлар янгради: кимдир "Яшавор, ота ўғил" деса, яна кимдир «Баракалла!", "Офарин, полвон!" дер, барча чемпионнинг ота-онасини, оила аъзоларини табрикларди.

— Ўғлим дунёнинг бошқа бир бурчагида ўтаётган олимпиадада мустақил Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаганидан фахрланаяпман, — деди чемпионнинг отаси Маъруфжон Ҳайитбоев табриклаганларга миннатдорлик билдираркан. — Сиднейда Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медалга сазовор бўлганида ич-ичимдан қувониб, «Қани эди, менинг фарзандларим ҳам шундай ютуқларга эришса», деб ҳавас қилгандим. Шукрки, холис ниятларимиз амалга ошаяпти.

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор бугун ўз маҳсулини бермоқда. Ёш авлод камолотига йўналтирилган доимий эътибор ва ғамхўрлик фарзандларимизнинг юксак марраларга эришишида бош омил бўлмоқда. Ахир бундан чорак аср олдин кимдир «Оддий бир деҳқоннинг фарзанди олимпиада чемпиони бўлибди», эмас, балки «Олимпиадада қатнашаркан», деса ишонмасди, тасаввурига сиғдиролмасди. Бугун эса чекка қишлоқларимиздаги замонавий шароитлар, одамлар онгидаги ўзгариш, ҳаётга бўлган қарашнинг бутунлай янгиланганлиги боис чемпионларнинг янги авлоди камолга етди.

Маъруфжон ака ҳам ўз-ўзига «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?», деган саволни бериб, жавобини ҳаётида, оиласида юз бераётган ўзгаришлардан топиб, миннатдор бўлади, шукрона айтади, шодлигидан дунёга сиғмайди. Чемпионнинг онаси, финал жанги бошланганида ўғлининг мушт-лашувини телевизорда кузатишга юраги бетламай, қўшни хонага чиқиб кетган Дилноза опа эса тумандаги 9-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига дарс беради. Тинч-осойишта халқимиз, фаровон юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши йўлида меҳнат қилаётган, болалардек беғубор, самимий ва фидойи муаллимларнинг қувончидан, саодатидан юксак қувончу бахт бўлмаса керак.

Яна бир гап. 23 ёшни қаршилаган Ҳасанбойни спорт оламига аслида бобоси Дўстмат ота ва бувиси Буойшахон ая олиб кирган экан. Бунинг, албатта, ўзига яраша сабаби бор. Чунки уларда ҳам бир вақтлар шундай орзулар бўлган. Ахир инсон борки, орзу қилади, улкан-улкан режалар тузади. Мустақиллик инъом этган ҳар бир имкониятни юрагидан ўтказган, қадрини дилдан туйган кексалар 5 ёшли набирасини аввалига қишлоқдаги каратэ ва кикбоксинг тўгарагига етаклади. У қисқа вақт ичида туман ва вилоят миқёсида ўтган мусобақаларда ғолиб бўлгач, бувиси Буойшахон Ҳасанбойни Андижон олимпия захиралари коллежининг болалар спорт бўлимига жойлаштирди. Ўшанда у 12 ёшда эди. Боксга бўлган қизиқиши ва иштиёқини машғулотларда тоблаган, иродаси ва маҳоратини чархлаган ёш боксчи кўп ўтмай болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Бу бошланиши эди. Ўтган йиллар мобайнида Ҳ.Дўстматов кўплаб ютуқларга эришди. Хусусан, 2009 йили Қозоғистонда ўтган хотира турнирида, 2011 йили ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида, 2012 йили Украина ва Чеченистонда ўтган халқаро турнирларда, 2013 йилда Қозонда бўлиб ўтган ёзги универсиадада, 2015 йили Германия мезбонлик қилган «Chemistry Cup»да, Таиландда кечган Осиё чемпионатида ғолиб бўлди. Ниҳоят, ўнлаб ютуқлар қаторига нуфузли медаль — олимпиада олтин медали қўшилди. Муборак бўлсин!

Жорий олимпиададаги иккинчи, ўзбек оғир атлетикаси тарихидаги биринчи олимпиада олтин медали соҳиби Руслан Нурудинов эса спорт жамоатчилигига аллақачон маълуму машҳур. У оғир атлетика бўйича вазни 105 килограмгача бўлган эркаклар ўртасида мусобақада иштирок этди ва даст кўтаришда 194 кг, силтаб кўтаришда 237 кг оғирликни (умумий 431 кг) бўйсундириб, тенгсиз эканини исботлади, энг муҳими, олимпиада рекордини ҳам янгилади. Яна бир ўзбекистонлик полвон Иван Ефремов эса иккикураш натижасига кўра 414 кг.лик тошни кўтариб, кучли бешликка кирди. Руслан-дан кейинги поғоналарга арманистонлик Симон Мартиросян (417 кг) ва қозоғистонлик Александр Зайчиков (416 кг) жойлашди.

Мустақиллик тенгдоши бўлган Руслан-нинг бундай юксак муваффақияти спорт ихлосмандларини янада тўлқинлантирди. Ҳатто ўзи ҳам Ўзбекистонимиз мадҳияси янграб, байроғи баланд кўтарилишига сабабчи бўлганидан қувониб, кўзларига ёш олди. У кўксига олтин медаль тақиб, қувончига шерик бўлган жамоадошлари даврасига кириб бораркан, ҳаяжонини яширолмади: «Шукрки, жуда қийин тарзда ўтган тўрт йиллик ортда қолди. Ўзбекистонимга, барча юртдошларимизга, шу ерда туриб, мени қўллаб-қувватлаб турган дўстларимизга ва биз, спортчилар учун улкан шароит яратиб берган Президентимизга ўз миннатдорлигимни билдираман, раҳмат айтаман. Бу олтин медаль фақат меники эмас, бутун халқимизники. Бу юртимнинг медали, Ўзбекистонимизга совға бу», деди.

1991 йил 24 ноябрда Андижон вилояти Хонобод туманида туғилган Руслан 11 ёшдан бошлаб оғир атлетика билан мунтазам равишда шуғулланиб келаяпти. 2009 йилдан буён оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Халқаро тоифадаги спорт устаси. У 2008 йили Чиангжу (Ж.Корея) шаҳрида ўтган Осиё чемпионати бронза медали соҳиби, 2009 йили Тошкент шаҳрида бўлган Осиё кубоги, Дубай (Бирлашган Араб Амирлиги) шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионати ва 2010 йили Тошкент мезбонлик қилган Осиё кубоги ғолиби, 2011 йили Парижда ўтган жаҳон чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлган.

Умидли чармқўлқоп соҳибларидан бири, 91 килограмгача бўлган боксчилар ўртасидаги мусобақаларда ўз имкониятини синаган Рустам Тўлагановга бронза медали насиб қилди.

Ундан бироз олдин тажрибали полвонимиз, юнон-рум кураши беллашувларида -59 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Элмурод Тасмурадов ҳам жамоамиз ҳисобига бронза медаль келтирди. У бронза учун баҳсда қирғизистонлик Арсен Ералиев билан курашиб, 13:6 ҳисобида ғалаба қозонди. Тошкент вилоятида туғилган Элмурод Лондон олимпиадасида 55 кг вазн тоифасида гиламга чиққанди. Элмурод ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби (Руминия, 2011 йили), халқаро турнир ғолиби(Украина, 2012 йили), Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби (Жанубий Корея, 2012 йили).

(Давоми. 16-бетда.)

ЎзА сурати.

Ҳар йили Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан юртимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида минифутбол(эркаклар ўртасида) ва стол тенниси (хотин-қизлар ўртасида) турнирини ўтказиш ажойиб анъанага айланган.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган мусобақалар ҳар доимгидан ҳам қизиқарлироқ ва муросасиз курашларга бой тарзда ўтди. Халқ таълими тизимидаги ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган спортсевар журналистларни рағбатлантириш, улар ўртасида ўзаро дўстона муносабатни мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби мақсадларга қаратилган ушбу спорт тадбирида 15дан зиёд тахририятдан 200га яқин оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Майдонда — журналистлар

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стадионида, икки кун давом этган мини-футбол баҳсларининг гуруҳ босқичида биринчи ва иккинчи ҳамда энг яхши кўрсаткичга эга иккита 3-ўрин соҳиблари, жами 8 жамоа чорак финалга йўл олди. Муросасиз қарама-қаршиликларда "Жамият" газетаси ходимлари жамоавий ўйин кўрсатиб, иродаси эвазига 1-ўрин ҳамда Халқ таълими вазирлиги кубогини қўлга киритди. Уларга пенальтилар сериясида енгилган ЎзМТРКнинг телемарказ жамоасига 2-, "Халқ сўзи" газетаси жамоасини худди шу тарзда енгган "Тошкент" телерадиоканали жамоасига 3-ўрин насиб этди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган стол тенниси баҳслари ҳам қизғин курашларга бой ўтди. Журналист аёллар нозик қўллари билан нафақат қалам тутиш, балки ракеткани ҳам моҳирлик билан ўйнатишда маҳорат кўрсатишди. Стол тенниси бўйича баҳсларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ходими Татьяна Ахунова барча рақибларини енгиб, мусобақа ғолиби бўлди. 2- ва 3-ўринларни «Ma'rifat» газетаси вакиллари Райҳона Хўжаева ва Зилола Мадатова эгаллади.

Якунда мусобақа ғолиб ва совриндорларига, шунингдек, турли номинация ғолибларига Халқ таълими вазирлиги ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари берилди.

МУХБИРИМИЗ

Bektemir Meliqo'ziyev hindistonlik Vikas Krishanga hech qanday imkoniyat qoldirmay, 3:0 hisobida g'alabaga erishdi.

Ma'rifat

2016-yil 17-avgust, № 66 (8923)





Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан кам эмас!

Олимпиадачиларимиз мустақиллигимизнинг 25 йиллигига ажойиб совға тайёрламоқда!

(Давоми. Боши 1-,15-бетларда.)

«Рио-2016»нинг 75 килограмгача вазнга эга боксчилари ўртасидаги мусобақада муваффақиятли одимлаётган Бектемир Меликўзиев ҳиндистонлик Викас Кришанга ҳеч қандай имконият қолдирмай, 3:0 ҳисобида ғалабага эришди. Энди у эртага ярим финалда мексикалик Мисаэль Родригезга қарши рингга чиқади. Ўсмирлар ўртасида Нанкин Олимпиадаси ғолиби бўлган иқтидорли боксчимиздан навбатдаги ғалабани кутиб қоламиз ва омад тилаймиз.

Рио-де-Жанейро олимпиадасида ишонч билан ҳаракатланаётган спортчиларимиздан энг кўзга ташланаётгани, шубҳасиз, 69 кг вазнга эга Шаҳрам Ғиёсов бўлмоқда. У ярим финалда амалдаги жаҳон чемпиони, марокашлик Муҳаммад Рабийни енгди. Шаҳрам бугун ўтказиладиган финал жангида олтин медаль учун қозоғистонлик Дониёр Елеусинов билан куч синашади. Ҳал қилувчи муштлашувда ҳам Шаҳрамдан дадиллик кутамиз, шунда унинг ғалабалари сони яна биттага кўпаяди. Омад, Шаҳрам!

Шунингдек, кеча Герасим Кончев каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган баҳсларнинг финалида, енгил атлетикачимиз Валентина Кибалникова 100 метрга тўсиқлар оша югуришнинг саралашида, боксчиларимиз Фазлиддин Ғоибназаров, Муроджон Аҳмадалиев ва Баҳодир Жалолов чорак финалда қатнашди. Сардорбек Дўстмуродов ва Рустам Жангибаев оғир атлетика мусобақасида иштирок этган бўлса, енгил атлетикачимиз Юлия Тарасова узунликка сакраш бўйича саралаш баҳсларида омадини синаб кўрди.

Зоҳиджон ХОЛОВ
Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.







Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-824. Tiraji 35610. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Timur KAYSAROV, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 20.50 Topshirildi — 21.45

1 2 3 5 6